

Ҳар ишнинг бир
устаси бор,
Ҳар устанинг бир
устози бор.

Ўзбек халқ
мақоли



ЭНГ ҚИЗИҚАРЛИ ФАН

Дунёнинг энг баланд нуқтаси қаерда жойлашган? Энг паст жойи қандай номланади? Океанлар, денгизлар, дарёлар — улар қандай пайдо бўлган? Мамлакатимизнинг табиий бойликларини асраб қолиш учун нима қилишимиз керак? Бу каби саволларга ҳар биримиз жавоб излаганмиз. Ва ечимни, албатта, география дарслигидан топганмиз.

География фани ўқувчиларнинг она табиатга бўлган қизиқиши, меҳрини юксалтириш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш сингари

кўникмаларининг шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутади.

Учтепа туманидаги 295-мактаб география фани ўқитувчиси Дилором Холматова буни жуда яхши англайди ва ҳар бир дарсга ижодий ёндашишга ҳаракат қилади, унинг қизиқарли ўтиши учун турли ўйин ва услублардан фойдаланади. У мактабда “Қизиқарли география” тўғрагини ташкил этган. Айни кунларда тўғрақ география фани ойлиги доирасида турли мавзулардаги тадбирлар ўтказмоқда.

— География фанидан


очик дарслар ўтилмоқда. Ўқувчилар томонидан кўргазмалар ташкил этилди, деворий газеталар чиқарилди. Ўтказилаётган мусобақалар эса ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилади, — дейди география ва тарих фанлари услубчиси Кувонч Камолова.

Суратларда: география фани ўқитувчиси Дилором Холматова 8-синф ўқувчиларига “Ўзбекистоннинг табиий бойликлари ва табиий ресурслари” мавзусида дарс ўтмоқда.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



Sentabr — geografiya va iqtisodiy bilim asoslari fanlari oyligi



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан 2010 йил 20-21 сентябрь кунлари Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этади.

ПАРЛАМЕНТ МАМЛАКАТИМИЗ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 16 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига доир ҳисоботни эшитди. Ушбу масала

иштирокида кўриб чиқилди. Қонунчилик палатаси кўмиталарида ҳужжатни муҳокама қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилишининг боришига, аҳоли-

Oliy Majlis Qonunchilik palatasida

юзасидан мажлисда молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза билан, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг раиси Б.Иминов кўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижросини назорат қилиш парламентнинг энг муҳим вазифаларидан биридир, шу сабабли Олий Мажлис қўйи палатасининг депутатлари ушбу масалага ҳар доим алоҳида эътибор қаратадилар. Ҳисобот дастлабки тартибда кўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи мажлисларида мамлакатимиз Молия вазирлиги вакиллари, бошқа вазирликлар ва идоралар раҳбарлари

ни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва жамиятимиз бошқа соҳаларини ўз вақтида молиялаштириш каби долзарб социал-иқтисодий масалаларга тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати ҳисобот даврида Олий Мажлиснинг иккала палатаси томонидан аввал тасдиқланган кўрсаткичларга, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 29 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов илгари сурган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури устуворликларига мувофиқ ижро этилганлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)

ТАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

«УСТОЗ-ШОГИРД» МАКТАБИ

Азалий кадриятнинг замонавий талқини таълим-тарбия самарасини оширишда кўл келмоқда

3-бет

Ma'rifat
Methodist

7-10-бетлар

САРАТОННИ ҚИЗДИРГАН СУРУП

11-бет

«ТОНГГИ ТАРОВАТ» МАМЛАКАТИДА

12-бет

ПАРЛАМЕНТ МАМЛАКАТИМИЗ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Молиявий ҳисобот ҳужжатининг Қонунчилик палатаси кўмиталарида ва сиёсий партияларнинг парламен- тадаги фракцияларида олдиндан ҳар томонлама кўриб чиқилганлиги де- путатларга ўз сайловчиларининг манфаатларини ва партияларнинг дастурий мақсадларини мумкин қадар самарали ҳимоя қилиш, му- ҳокама этилаётган масала бўйича аниқ, ўзаро муқобул мавқега келиш имкониятини берди.

Қонунчилик палатасининг мажли- си жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбе- кистон Экологик ҳаракати депутат- лар гуруҳининг фикр мулоҳазалари баён этилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармон- лар ҳаракати – Ўзбекистон Либе- рал-демократик партиясидан сай- ланган депутатлар таъкидлаб ўтди- ларки, Ўзбекистон Республикаси- нинг Давлат бюджети жорий йил- нинг биринчи ярим йиллигида про- фицит билан ижро этилди. Фаол инвестиция сиёсатининг давом эт- тирилиши ўтган йилнинг шу дав- рига нисбатан тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг кўпайиши- ни таъминлади. Рўйхатга олинган кичик корхоналар сони жорий йил- нинг бошларидагига нисбатан ўсган. Бунга Вазирлар Маҳкамаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қув- ватлаш бўйича кўрилган чора-тад- бирлар туфайли эришилди. Кичик бизнеснинг жадал ривожланиб бо- ришига солиқ юқининг камайган- лиги, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган банк кре- дитлари ҳажмининг кўпайганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари би- ринчи ярим йилликда мамлақати- миз Давлат бюджети аниқ ижтимо- ий йўналтирилган ҳолда ижро этил- ганлигига – соғлиқни сақлаш, таъ- лим, маданият ва спорт соҳалари, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ўз вақтида молиялашти- рилганлигига эътибор қаратдилар. Депутатлар таъкидладиларки, мам- лақатимизда Олий Мажлис томони- дан тасдиқланган Янги иш ўринла- рини яратиш ва аҳолининг иш би- лан бандлигини таъминлаш дасту- ри илдамлик билан бажарилмоқда. Шу йилнинг биринчи ярим йилли- гда мамлақатимизда 509,4 минг- та, шу жумладан қишлоқ жойларда 350,1 мингдан ортиқ янги иш ўрни очилди. Уларнинг катта қисми ки- чик бизнес ва хусусий тадбиркор- лик, шу жумладан хизматлар кўрсати- ш ва сервис соҳасида яратилди. Оналар ва болалар соғлиги муҳо- фаза қилинишини янада яхшилаш, соғлиқни сақлаш профилактикаси- ни устувор ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилмоқда. Умуман олган- да, ҳисобот даврида бюджет маб- лағларининг ярмидан зиёди соци- ал соҳани ривожлантиришга сарф- ланди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси депутатлари халқимизнинг кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадрият- ларини тиклаш ва сақлашда, ёш ав- лодни ватанпарварлик, мустақиллик ва демократия ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашда катта роль ўйнаовчи маданият уйлари ва сарой- лари, музейлар, театрлар, кутубхо- налар, бошқа маънавий-маърифий

соҳа муассасаларини ўз вақтида молиялаштириш муҳимлигини таъ- кидладилар. Таълим, фан ва кадр- лар тайёрлаш муассасаларининг ўз вақтида маблағ билан таъминлани- ши масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Халқ таълими ташкилот- ларини молиялаштириш харажатла- ри 1600 миллиард сўмни ташкил этди. Бу борада умумий таълим мактабларининг кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ўқув- чиларни қишки кийим-кечак, бирин- чи синф ўқувчиларини эса ўқув ан- жомлари билан бепул таъминлаш учун ҳисобот даврида 17,4 милли- ард сўм ажратилди. Таълим муас- сасалари ва болалар спорти объектларининг моддий-техник ба- засини мустаҳкамлаш, давлат таъ- лим стандартлари, ўқув дастурла- ри ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-де- мократик партияси фракцияси аъзолари қайд этдиларки, Ўзбекис- тон раҳбарияти томонидан давлат- ни ривожлантириш, янгилаш ва мо- дернизация қилишнинг тўғри тан- ланган стратегияси туфайли ҳисоб- от даврида мамлақатимиз глобал молиявий-иқтисодий инқироз таҳ- дидлари ва хатарларига муваффа- қиятли қарши туришга, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъмин- лашга, халқнинг турмуш даражаси- ни оширишга эришди. Вазирлар Маҳкамаси 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чо- ралар дастурини сўзсиз амалга ошириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдала- ниш, аҳолига иш ҳақи, стипендия- лар, нафақалар тўлаш харажатла- рини тўлиқ ва ўз вақтида молия- лаштириш юзасидан бундан буён ҳам зарур чора-тадбирларни кўри- ши керак.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва- киллари таъкидладиларки, мамла- қатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ютуқларига кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг етак- чи тармоқларида муваффақиятли равишда ўтказилаётган техник мо- дернизациялаш ва технологик ян- гилаш туфайли эришиш мумкин бўлди. Бу нафақат меҳнат унумдор- лиги ўсиши ва ишлаб чиқарилаёт- ган маҳсулот таннархи камайиши- га, балки атроф-муҳит муҳофаза қилинишига, Ўзбекистоннинг бир қатор аҳоли пунктларида экологик вазият анча яхшиланишига кўма- лашди.

Барча сиёсий партиялар фрак- циялари вакилларининг, Ўзбекис- тон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва муҳокама қилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбе- кистон Республикаси Давлат бюд- жетининг 2010 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

Мажлисида сиёсий ва социал- иқтисодий соҳалардаги ислохот- ларни янада чуқурлаштириш, фуқа- роларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши сама- радорлигини оширишга доир амал- даги қонун ҳужжатларини такомил- лаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Матбуот хизмати**

Шаҳрихон туманидаги 53-мактаб-ин- тернат директори Камолитдин Ғопи- ровга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унво- нининг берилиши Андижон вилояти- даги барча педагогларни беҳад руҳ- лантириб юборди. Шу сабабли малака ошириш курси тингловчилари К.Ғопи- ров билан ўтказиладиган учрашувга ўзгача бир иштиёқ билан тайёргарлик кўрдилар.

Институт ректори, фалсафа фанла- ри номзоди Қ.Ибайдуллаев учрашув қатнашчиларига К.Ғопировнинг педа- гогик фаолиятидаги ютуқларини гапи- риб берди. Узоқ йиллардан буён ма- лака ошириш курси тингловчиларига ўзининг педагогик маҳоратини ўрга- тиб келаётганлиги сабабли Ўзбекис-

Uchrashuv



педагогик технологияларни жорий этиш бўйича тавсияларим таълимда ўз самарасини бераётганлигидан мамнун- ман. Қувонарлиси, ўқувчиларим ҳар йили фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашапти. 50га яқин шогирд тайёрладим. Бундай меҳнатим- нинг самарасини кўриб, «Мен бахтли ўқитувчиман», деб баралла айта ола- ман. Камтарона меҳнатим эътиборга олинаиб, юксак мукофот — «Ўзбекис- тон Қаҳрамони» унвонига лойиқ топил- ганим учун давлатимиз раҳбарига, ус- тозу ҳамкасбларимга катта раҳмат!

«МЕН БАХТЛИ ЎҚИТУВЧИМАН»

тон Қаҳрамони К.Ғопировга институт профессори унвони берилганлигини эълон қилди.

Ўз навбатида Ўзбекистон Қаҳрамо- ни К.Ғопиров сўзга чиқиб, бундай на- тижаларга танлаган касбига қизиқиши туфайли эришаётганлигини таъкидла- ди.

— Агар педагог изланувчанлик би- лан меҳнат қилса, яхши натижаларга эришади, — деди К.Ғопиров. — Мен ҳам ўз устозларим салоҳияти ва шуҳ- ратига ҳавас қилардим. Уларнинг таж- рибаларини ўрганиб, ўзим ҳам ижод- корлик билан ишладим. 8-синф ўқув- чилари учун ёзилган кимё дарслиги- миз Республика танловида 1-ўринга, кимё фанидан 7-, 9-синфлар учун ёзилган дарслик ҳам совринли ўрин- ларга муносиб деб топилди. Ҳозирга- ча 20дан ортиқ дарслик, қўлланма ва тавсиялар яратдим. Дарсларга илғор

Учрашувда вилоят халқ таълими бошқармаси Методика маркази раҳба- рининг ўринбосари А.Нишонов, мала- ка ошириш курси тингловчиси, Жала- қудуқ тумани ХТБ методисти А.Исрои- лов, Андижон шаҳридаги 4-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Б.Ҳайдарова ва бошқалар Ўзбекистон Қаҳрамони К.Ғо- пировни юксак унвон билан табрик- лаб, кимё фани ўқитилишини ривож- лантириш бўйича олиб бораётган яра- тувчилик ишларини эътироф этдилар ҳамда янада янги зафарлар тиладилар.

Учрашув сўнгида К.Ғопиров билан қизгин савол-жавоб, суҳбат, тажриба алмашув бўлди ва институт кимё, био- логия, физика, компьютер, лингафон ўқув хонаси, ахборот-ресурс маркази кўргазмалари билан танишилди.

**О. СИДДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири**

"ZiyoNet" – ПЕДАГОГГА ЯҚИН КЎМАКЧИ

2007 йилдан халқ таъ- лими тизимида ахборот- таълим портали — "ZiyoNet" тармоғи иш бошлади. Ўтган фурсат ичида 8134та умумтаъ- лим мактаби ушбу тар- моққа уланиб, ўз имко- ниятларини кенгайттирди. Порталда ўқитувчилар керакли маълумотларни олиши ва уларни таълим жараёнига кенг татбиқ этишлари учун кўплаб манбалар жойлаштирил- ган. Таълимнинг долзарб масалалари бўйича таш- кил этилган форумларда иштирок этиш, турли ҳудудларда фаолият кўрсатаётган маҳоратли педагоглар билан тажри- ба алмашиш, мактаб сай- тлари ҳамда блокларини яратиш ва бошқа кўплаб имкониятларнинг мав- жудлиги "ZiyoNet" пор- талининг ўқитувчилар орасида тезда оммала- шувида муҳим омил бўлди.

— Ҳар бир педагог интернетдан самарали фойдаланиши ва эгалла- гандан билимларини амали- ётда қўллай олиши ло- зим, — дейди "ZiyoNet" ресурс маркази бўлим бошлиғи Абдурашид Хундибаев. — Шу мақ- садда ҳудудларда мактаб

директорлари, ахборот- ресурс маркази раҳбар- лари ҳамда информати- ка фани ўқитувчилари учун компьютер ва ин- тернетда ишлаш, "ZiyoNet" порталидан унумли фойдаланишга доир уч босқичли ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Jarayon

Юнусобод туманидаги 272-мактабда бўлиб ўтган "Компьютер савод- хонлигини ошириш ва "ZiyoNet" тармоғидан са- марали фойдаланиш йўллари" мавзусидаги ўқув-амалий семинар ҳам ўқитувчилар орасида ах- борот технологиялари, ушбу таълим порталини оммалаштириш йўлида қилинаётган ишларнинг амалий натижаси бўлди. Дарс жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш ва "ZiyoNet" ахо- рот-таълим порталига киритилган маълумотлар базасидан ўқув машғу- лотларида самарали фой- даланиш мақсадида таш- кил этилган мазкур се- минарда тумандаги 41та мактабнинг масъул ва- киллари иштирок этди. Семинарда мутахассис-

лар томонидан ахборот- таълим порталидан фой- даланиш, мактаб веб- сайтини яратиш ва унга зарур ахборотларни ки- ритиш юзасидан маълумотлар берилди.

— Туманимиздаги бар- ча умумтаълим мактабла- ри интернет тармоғига уланган бўлиб, айни дамда мактабгача таълим муассасаларини ҳам ушбу жараёнга қамраб олиш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда, — дейди Юнусобод туман ХТБ ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи Улуғбек Суюнов. — Уларга ўз сайтини очиш, "ZiyoNet" ахборот-таълим портали- да фаолият кўрсатиш бўйича йўл-йўриқ, мас- лаҳатлар берилмоқда, амалий ўқув машғулотла- ри ташкил этиляпти.

Дарҳақиқат, тумандаги 12-, 17-, 43-, 272-, 274-, 258-мактабларда ушбу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Мактабларда таълим жа- раёнида компьютер ва интернет имкониятлари- дан фойдаланилаётгани боис, катта натижаларга эришиляпти.

**Санжар РУСТАМОВ,
"Ma'rifat" мухбири**

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида: "Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги сиёсатини умуминсоний кадрларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобида кўп асрлик анъаналарини, жамиятнинг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда юргизади", дейилган.

Барчамизга маълумки, "Устоз-шогирд" усули ҳам ўзбек халқининг миллий кадрларидан биридир. Бундан уч минг йил илгари зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто"да таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилган, ўша даврлардаёқ мактаблар ташкил этилиб, таълим-тарбия тизими ишлаб чиқилганлиги маълумотларда қайд этилган.

Чунончи, унда болалар руҳиятига рост сўз, пок ақидани, ҳалол ниятни сингдирадиган устоз-муаллимлар пешвоси мадҳ қилинади. Шунингдек, "Авесто"нинг яштларида масъулиятсизлиги, лоқайдлиги, укувсизлиги, билими ва малакасини такомиллаштирмаслиги оқибатида болалар зехнини, уларнинг мустақил тафаккурини ўтмаслаштирибдиган, айни чоғда, ёшларнинг ақлини зангладиган, ҳаётга, меҳнатга муносабатларини сусайтирадиган, имон-этиқодини заифлаштириб, маънавий жиҳатдан қашшоқлаштирадиган "ёмон устозлар" қаттиқ қораланади.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам ўзининг "Хамса", "Маҳбуб ул-қулуб", "Муножат", "Вақфия", "Мажолис ун-нафоис", "Муҳокамат ул-луғатайн" каби йирик асарларида таълим-тарбияга оид ўз қарашларини ифода этган. У инсон камолотида илм-фаннинг ўрни, ахлоқий ва ақлий

тарбиянинг аҳамиятини ёритиб берган. Аллома билимни узлуксиз ўрганиш зарур, дейди.

Буюк олим, адолатпарвар шоҳ Мирзо Улуғбек даврида ҳам илм-фан, маърифатчилик тез тараққий этган. Улуғбек ўқитувчи ва мударрисларнинг инсоний хислатларига, билими ва маҳоратига катта аҳамият берган, маҳоратли устозларни эъзозлаган. Шунингдек, у мударрисларнинг илмий тадқиқотларда иштирок этишларини талаб қилган. Улуғбекнинг ўзи ҳам кўплаб шогирдларга устозлик қилиб, уларга илм сирларини ўргатган, ил-

раёни учун унга бириктирилган устоз раҳбарлигида мустақил ўқиб, билим олиш бўйича индивидуал режасини шакллантириб олиши керак. Бу режада шогирд илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, амалиётга татбиқ қилиш; дарс бераётган фани соҳасидаги янгиликларни ўрганиб бориш; ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш ва амалга татбиқ қилиш; педагогика, психология, маънавият ва маърифат соҳаларидаги янгиликларни ўрганиш ва жорий қилиш; таълим-тарбия соҳаси-

малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари томонидан устозлар ўқитувчиларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари, ўқув режа, дастурлар, назорат материаллари, якуний аттестация тартиби, ўқув-методик материаллар, машгулотларни ҳисобга олиш журнали, орилик назоратлар жадвали, ҳисоботнинг намунавий шакллари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминланиши, устознинг зарур ҳолларда институт кутубхонасида ишлаши, унинг ўқув-моддий базасидан фойдаланиши учун

Jarayon



ян фандан билим бериш учун шу фандаги билимларни пухта эгаллаган бўлиши шарт. Чунки педагогика назарияси ва амалиётдан қанчалик яхши хабардор бўлмасин, ўз фани бўйича билимларни яхши ўзлаштирмаган киши ўқувчи ва шогирдларига тўлиқ билим бера олмайди.

Учинчидан, ўқитувчи ва педагог, дарс бериш жараёнида ўқувчилар вужудида юз бераётган руҳий ҳодисаларни яхши билиши, яъни психология фанида тўлиқ билимга эга бўлиши керак. У одобли, ахлоқли ва виждонли, қолаверса, эстетик ва маънан тарбияланган, маданиятли шахс бўлиши лозим.

Ўз лавозими хусусиятига кўра ўқитувчи ва педагог ташаббускор ташкилотчилик фазилатига ҳам эга бўлиши керак. Чунки ташаббускор ва ғайратли ўқитувчигина ўқувчиларни ва шогирдларини ўз ортидан эргаштира олади.

Шунингдек, улар ҳар бир ўқувчини шахс сифатида тан олиши, уни чин дилдан севиши, унга қўлидан келганча яхшилик қилиши ва ёрдам кўрсатиши лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, "Устоз-шогирд" усули ўқитувчиларда ҳар бир ўтадиган дарсининг лойиҳасини туза олиш ҳамда ўз маънавий камолоти устида тинмай ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат этиши тайин.

Б.ЛАТИПОВ,
Фаргона вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, педагогика фанлари номзоди

"УСТОЗ-ШОГИРД" МАКТАБИ

Азалий кадриятнинг замонавий талқини таълим-тарбия самарасини оширишда кўл келмоқда

мий тадқиқот ишларини олиб борган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, халқимиз азалдан устоз ва шогирд муносабатларига катта эътибор қаратган, бу борада кўп асрлик тарихий тажрибага эгамиз. Зотан, "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар" деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Ана шу тажриба ва анъаналарни инobatга олган ҳолда Республикамиз халқ таълими тизимида педагог кадрларнинг "Устоз-шогирд" усулида таълим муассасасида узлуксиз малакасини ошириш тизими жорий этилди.

Бу тизимнинг асосий жиҳати шундаки, ҳар бир шогирд узлуксиз малака ошириш жа-

даги меъёрий ҳужжатларни ўзлаштириш; синфдан ташқари ишлар, тарбиявий ишлар, ота-оналар ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш ва жорий қилиш сингари йўналишларда ўз вазифаларини белгилаб олиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда шогирдга нафақат унга бириктирилган устоз, балки туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ва вилоят методика маркази методистлари ҳам яқиндан кўмак бериши, маслаҳат ва консултациялар бериб бориши, методик маҳсулотлар билан таъминлаб бориши лозим. Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва

шарт-шароитлар яратиб берилиши таълим муассасасида «Устоз-шогирд» усулида узлуксиз малака ошириш тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Таълим муассасаларида "Устоз-шогирд" усулини самарали жорий этиш ва амалга ошириш учун танлаб олинган устоз қўйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши ва шогирдларига уларни сингдириши лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, у дарс бериш усуллари мажмуи ва дарс бериш методикасини мукамал эгаллаб олган бўлиши лозим. Чунки дарс бериш услублари ва усулларини билмаган педагог яхши дарс ўта олмайди. Иккинчидан, педагог муай-

Sentabr — geografiya va iqtisodiy bilim asoslari fanlari oyligi

ДЎСТ! БЎЛА ҚОЛ БИЗГА, ПЛАЩАТ!

Жиззах шаҳридаги 16-мактабга ташриф буюрганимизда, ўқувчиларнинг асфальтга расм чизаётганининг устидан чиқдик. Болакайлар ўз оламларидан келиб чиқиб, асфальтда турли шакллари яратмоқда эдилар. Уларни диққат билан кузатсангиз, асосий мавзу табиат манзараларидир: кимдир дарахтларга ишлов бераётган бўлса, бошқаси қушларга ғамхўрлик қилмоқда. Яна бир расмда зилол сув, мусаффо осмон, ранг-баранг гуллар акс этган.

Бу тадбир география ва иқтисодий билим асослари фанлари ойлиги доирасида ташкил этилиб, Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш кунига бағишланган экан. Мазкур кўрик-танловда ўқувчилар томонидан чизилган расмлар, ижодий ишлар малакали ўқитувчилар томонидан кузатилиб, голиблар аниқланди. Жумладан, асфальтга расм чизишда Фиёс Нарзикулов, иншо танловида Севара Низомова, плакат танловида Фаррух Қаҳрамонов голиб бўлди.

Мақтабда фан ойлигини қизиқарли ўтказишга қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бундай тадбирлар ўқувчиларнинг фанни ўзлаштиришга бўлган интилишларини рағбатлантириб, дарслардаги фаоллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Фан ойлигида географик билимларни намойиш этувчи кўргазмалар куруллар, рефератлар, деворий газеталар танловлари йўлга қўйилди, — дейди география фани ўқитувчиси Собир Жўраев. — Бундай ижодий ишларда ўлкамизнинг ўзига хос табиати, бойликлари ўқувчилар томонидан таҳлил этилиб, кўрсатиб берилди, тайёрланган намуналар ишлар ўрганилиб, барча синфларда оммалаштирилди.

А.СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири



Энг қизиқарли ва янгиликларга бой фан—географияни ўқувчи-ёшларга мазмунли қилиб етказиш ўқитувчидан юксак билим талаб этади. Янгилик билан бойитилган дарс эса, ўқувчининг хотрасидан мустаҳкам жой олади. Сентябрь—География ва иқтисодий билим асослари фанлари ойлиги муносабати билан таълим муассасаларида турли очик дарслар, саёхат дарслари ташкил этилмоқда.

Сергели туманидаги 268-мактаб ўқитувчиси Э.Томанова ҳам ушбу фан ойлигини мазмунли ўтказиш мақсадида ўқувчилар билан бирга катта тайёргарлик кўрди. Ҳар бир машгулотни "География — энг қизиқарли ва оммабоп фан" шиори асосида ташкил этиб, ўқувчиларни ижодкорликка ундамоқда. Дарс давомида фойдаланилган ушбу фанга оид кўргазмалар воситалар — дунё харитаси, глобус ва табиий ресурслар акс эттирилган фотосуратлар машгулот мазмунини янада бойишига туртки бўлмоқда.

Суратда: машгулот жараёни акс этган.

А.ХАЙДАРОВ олган сурат.

БОЛАЛАР РАКЕТА, КЕМА ВА САМОЛЁТЛАРНИ МУСТАКИЛ БОШҚАРГАНИНИ ЭШИТГАНМИСИЗ? ХАТТО, БУ БОРАДАГИ МАҲОРАТЛАРИНИ СИНАШГАНИНИ-ЧИ? ПОЙТАХТИМИЗДА ЖОЙЛАШГАН МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОФИГА ЙИГИЛГАНЛАР ХУДДИ ШУ МАНЗАРАНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИЛАР.

Шаҳар болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорликда ёшларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясини юксалтириш, уларни спорт-техник машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш, ракета техникаси, автомобиль ва кемасозлик соҳасига қизиқтириш, коинотни забт этиш тарихи билан таништириш ҳамда истеъдодли болаларни халқаро аэрокосмик мактабига жалб этиш мақсадида "Авиамодель", "Автомодель", "Космик макетлаштириш ва моделлаштириш", "Кемасозлик" мусобақаларини ўтказди.

— "Баркамол авлод йили" муносабати билан "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" шиори остида бўлиб ўтган ушбу мусобақаларда Бектемир, Ҳамза, Сирғали, Учтепа, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Чилонзор тумани ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти марказларидан ва 22-Меҳрибонлик уйидан келган иқтидорли ёшлар ўзларининг техник ижод намуналарини намойиш этди, — дейди Тошкент шаҳар ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти марказининг ташкилий-оммавий ишлар бўлими бошлиғи Сабоҳат Қосимова. — Болалар ясаган ҳарбий, метеорологик, илмий текшириш космик ракеталарининг нусхалари, электрли тез юривчи, электромотор, аниқ юривчи резина моторли автомобиллар ва кемаларнинг шамол билан бошқариладиган, резина моторли, электр моторли, пластмасса ва қоғоздан ишланган моделлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир сўнггида голибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилшод КАРИМОВ

ГУЛИСТОН ШАҲРИНИНГ 2-МАВЗЕСИДА ЛОЙИҲА ҚИЙМАТИ САЛКАМ 800 МЛН. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТГАН "ЁШЛАР МАРКАЗИ" ИШГА ТУШИРИЛДИ. МАРКАЗДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУСОБАҚАЛАР, ТУРЛИ КЎРИК-ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИШ, ИЖОДҚОР ЁШЛАР ТОМОНИДАН ЎЗ КЎРГАЗМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР МАВЖУД.

Кувонарлиси, масканнинг очилиши 20 нафар йигит-қизни доимий иш билан таъминлади.

Тантанали очилиш маросимида истиқлолимизнинг 19 йиллиги шарафига тинч ва осойишта ҳаётимиз тимсоли бўлган 19 та оқ кабутарни 19 нафар болажон осмонга учуриши ҳам иштирокчилар қалбига ўзгача қувонч бахш этди.



Айнан шу куни шаҳарнинг "Умид ниҳоллари" боғи ҳудудига "Ёшлар кўли" фойдаланишга топширилди. Кўл саҳнидаги "Оқ кема" кафеси ёш "сайёҳ"ларни ўзига чорлаб турибди.

Б.АБДУЛЛАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

МИРОБОД ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ТАСАРРУФИДАГИ БАРЧА УМУМ-ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ ВА ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ОЙЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ОЧИҚ ДАРСЛАР, ТУРЛИ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. «ЭНГ ЯХШИ ГЕОГРАФИЯ ФАНИ КАБИНЕТИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ АНА ШУНДАЙ ТАДБИРЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ.

Табиийки, кўрик-танловда голиб чиқишни ҳамма истайди. Аммо ўз кабинетини ҳавас қиларли даражада безата олган, кўرғазмали куролларини нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам намунали яратган, шу боис ҳам чорак охирида ўқувчилари билим самарадорлиги ва ўзлаштириши бўйича юқори натижага эришган ўқитувчигина шундай муваффақиятга эришади.

Танлов илк маротаба ўтказилаётгани учун ўқитувчиларда қизиқиш катта ва синфхонанинг бир четида ўлкашунослик бурчагининг ташкил қилиниши ҳам янгилик бўлди. Бурчақдан мактаб жойлашган маҳалла, мавзе аҳолиси ўз турмуш тарзида фойдаланган тарихий буюмлар ўрин олади. Фан хоналарини безашдаги ёндашувларнинг бирига ўхшамаслиги ҳар бир таълим даргоҳида ўзига хос тажриба тўпланганидан далолат беради. Айниқса, 154, 214, 158, 94, 110, 213-умумтаълим мактабларида безатилаётган фан кабинетлари киши диққат-эътиборини тортади. Туман методика хонаси мудири Зулхумор Зокирова кўрик-танлов натижаларига бағишланган якуний фестивалда «намунали» дея эътироф этилган фан хоналари масъулларининг иш тажрибаси туман миқёсида оммалаштирилишини таъкидлади.

Х.ТҲИМАНОВА

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ НИЯТИ, ЭЗГУ ОРЗУСИ ҲИСОБЛАНГАН БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА ФИДОЙИ УСТОЗУ МУРАББИЙЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА ФАОЛЛИК КЎРСАТАЁТГАНЛАРДАН БИРИ, КЎРҒОНТЕПА ТУМАНИ САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАМИЯТИ РАИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ Ш.МАМАЖАЛИЛОВНИНГ МЕҲНАТИНИ ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТИШ ЗАРУР.

Ш.Мамажалилов илм масканларидаги таълим ва тарбия жараёнини ўрганиб, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида ўрناق бўлгулик ишлар қилди. Айниқса, вилоятда болалар спортини ривожлантириш мақсадида ўз фаолиятдан келиб чиққан ҳолда «Спорт моллари» савдо дўкони очгани ва кенг турдаги спорт буюмлари савдосини ташкил этгани спортсевар ёшларга айна муддао бўлди. Бундан ташқари, мактаб ўқувчилари ўртасида футболга қизиқишни қўллаб-қувватлаш мақсадида 350 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатгани яна бир қутлуг қадам бўлса, ажаб эмас.

Ш.Мамажалилов ташкилотчилик ишларидан ҳеч чарчамайди. Яқинда Маъмуробод қишлоғида Муҳаммаджалил ота Сатторов хотирасига бағишланган футбол мусобақасини ҳам уюштирди. Голибларга эса ХДП Кўрғонтепа туман кенгаши ҳамда улгуржи-савдо МЧЖ томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

О.СИДДИҚОВ

ШИРИН ШАҲРИДАГИ 2-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ДИРЕКТОРИ АБДУСАМИ ИСРОИЛОВ ҲАҚИҚИЙ ТАЪЛИМ ЖОНКУЯРЛАРИДАН. У КИШИНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН КЕЙИНГИ 5-6 ЙИЛ ИЧИДА МАКТАБ УЧУН 350 МЛН. СЎМГА ЯҚИН ҲОМИЙЛИК КЎМАГИ КЎРСАТИЛДИ.

Мактабда 2та компьютер синфхонаси мавжуд. Спорт зали ва бадий гимнастика хонасидаги ерга тўшалган гиламларни кўриб ҳавасингиз келади. Бундан ташқари, синф ва фан хоналаридаги замонавий жиҳозлар ўқувчи-ёшларнинг завқу шавқ билан билим олишлари ҳамда баркамол авлод бўлиб камол топишларига имкон яратмоқда.

МУХБИРИМИЗ



ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 246-МАКТАБДА ТУМАН ЁШ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЁШ МУТАХАССИСЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН "НИҲОЛ" КЛУБИ АЪЗОЛАРИ ЎЗ ЧИҚИШЛАРИНИ ЙИГИЛГАНЛАРГА ҲАВОЛА ЭТДИЛАР.

Ортимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъул ниҳолчиларнинг турли мавзуларда қилган кичик илмий тадқиқотлари тумандаги ўқитувчи ва ТХТБ методистлари томонидан баҳоланди.

Шунингдек, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди. 265-мактабнинг тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси О.Орзиев асарнинг моҳияти борасида сўзлай туриб, унинг мутахассис ёшларимизнинг ҳаётида алоҳида дастуриламал бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Бундан ташқари, ўтган ўқув йилида амалга оширилган ишлар ҳисоботи ва янги ўқув йили режалари борасида ҳам суҳбат уюштирилди.

Кечанинг иккинчи қисмида иштирокчилар тумандаги 5-, 51-мактаблардан ташриф буюрган ўқитувчиларнинг "Устоз педагогларнинг илғор тажрибасидан тавсиялар"и билан ўртоқлашди. Юнусобод ТХТБ мониторинг назоратчиси О.Каримова "Ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг тизими ва педагогик юкламадаги ўзгаришлар" борасида маълумот берди.

М.МҲИМАНОВА

ҲУРМАТЛИ КИТОБХОНЛАР!

«Шарқ зиёкори» китоблар маркази — бадий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқувчи ва талабалар учун дарслик ва ўқув адабиётларини таклиф қилади.

Китобларни Республикаимизнинг барча вилоятидаги филиалларимиздан харид қилишингиз ва таклиф-мулоҳазаларингизни беришингиз мумкин!

Т/р	Филиаллар	Манзили	Телефон рақами
1.	Тошкент шаҳри	Бухоро, к. 26	8 371 233 58 72, 8 371 233 35 90
2.	Андижон шаҳри	Фитрат к., 245-савдо мажмуаси 2-к, 40-д.	8 374 255 18 00, +99874 7777 050
3.	Бухоро шаҳри	М. Иқбол к., 11	8 365 223 75 96
4.	Жиззах шаҳри	Ш.Рашидов к., 1	8 372 226 42 93
5.	Навоий шаҳри	Ўзбекистон к., 14	8 436 223 01 30, +99879 3214513
6.	Наманган шаҳри	Навоий к., 36, Дўстлик шоҳ кўчаси	8 369 226 49 64, +99869 252 63 06
7.	Нукус шаҳри	А. Дустназарова к., 85 А.	8 368 222 32 39, 8 361 614 39 32
8.	Самарқанд шаҳри	Университет хиёбони, 15, Мустақиллик к., 48	8 366 233 23 68, 8 366 233 17 63, 8 366 390 17 63
9.	Хива шаҳри	Ичанқалъа давлат кўриқхонаси	8 362 375 43 08, +99862 526 44 11
10.	Фарғона шаҳри	Қ.Доддох, к. 2 Марғилон ш., Мустақиллик к.	8 373 224 44 68, 8 373 576 565 09
11.	Гулистон шаҳри	Мустақиллик к., 81	8 367 225 12 99
12.	Термиз шаҳри	Ат-Термизий, 1	8 376 223 11 04, 8 376 390 52 01
13.	Қарши шаҳри	Ўзбекистон к., Мўлжал: МУМ	8 375 227 77 00, 8 375 776 41 01
14.	Илм шўъласи	Тошкент в.	+ 99 897 421 50 52

«Шарқ зиёкори» — китоб билан ҳар бир хонадонга!

Халқ таълими вазирлигида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Халқ таълими вазири, ҳайъат мажлиси раиси А.Мараҳимов олиб борди. Унда таълим муассасаларининг янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ҳамда 2010-2011 ўқув йилидаги устувор вазифалар тўғрисида, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича ўтказилган ўрганиш натижалари ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала Тошкент шаҳри мисолида муҳокама этилди.

Кун тартибдаги биринчи масала бўйича сўзга чиққан маърузачи мамлакатимизда 4,7 млн.дан ортиқ ўқувчи таълим олаётган жами 9772та мактабда 2010-2011 ўқув йили 2 сентябрь куни анъанага кўра "Мустақиллик дарслари" билан бошлангани, бу машғулотларда давлатимиз, халқимиз томонидан 19 йилда эришилган ютуқлар, Президентимиз ва ҳукуватимиз томонидан амалга оширилаётган изчил таълим сиёсати, шунингдек, "Баркамол авлод йили"да амалга оширилган эзгу ишлар, юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги ислохотлар мазмун-моҳияти ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда сермазмун материаллар, фактлар ва рақамлар асосида тушунтирилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 16 июндаги "Республика иқтисодий тармоқларини 2010-2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1353-сонли қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига биноан, мавжуд умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, Мехрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари биноларини, муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш, кўмир ва печ ёқилғисини

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

жамғариш бўйича муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Жумладан, жорий йилнинг 7 сентябрига қадар Республика бўйича 307 таълим муассасаси капитал таъмирланди, 2622таси эса жорий таъмирлашдан чиқарилди, шунингдек, мавсумга тайёрлаш жараёнида 87та (97,8 фоиз) иситиш қозонхонаси, 24860 п.м. (96,0 фоиз) ички ва 6026 п.м. (99 фоиз) ташқи иситиш тизими, 19092 кв.м. (98,6 фоиз) том капитал таъмирланди. 4063та (96,1 фоиз) иситиш тармоғи босим остида тозаланди ва 44781 кв.м (99 фоиз) синган ойналар алмаштирилди, бундан ташқари 503та (95,3 фоиз) иситиш қозонхонаси, 35774 п.м (96,2 фоиз) ички ва 14917 п.м. (98,5 фоиз) ташқи иситиш тизимлари, 11429 п.м. (96 фоиз) ташқи иссиқлик трассалари изоляция қилинди, 48061 кв.м (97,3 фоиз) том жорий таъмирлашдан чиқарилгани ҳақида ахборот берилди.

Умуман олганда, куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида 170,1 минг тонна кўмир

ёқилғисини жамғариш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 91,3 минг тонна ёки йиллик режанинг 53,7 фоизи миқдорида кўмир ёқилғиси жамғарилган.

Бироқ амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда таълим муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати жойида ўрганилганда, айрим камчиликлар

га йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 7-, Мирзачўл туманидаги 1-, 15-, Зафаробод туманидаги 1-, 3-, 5-, 18-, Арнасой туманидаги 5-, 13-, 3-умумтаълим мактаблари ва "Бинафша" мактабгача таълим муассасаси, Бахмал туманидаги 8, 45, 11-, Фаллаорол туманидаги 25-, 44-, 2-, Дўстлик туманидаги 6-, 16-, 10-, Жиззах туманидаги 15-, 31-, 27-умумтаълим мактабларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари етарли даражада олиб борилмаган. Зомин, Пахтакор, Фориш туманларидаги айрим таълим даргоҳларида ҳам худди шундай камчиликлар аниқланган. Сирдарё, Самарқанд вилоятларидаги баъзи мактаблар ҳам куз-қиш мавсумига тайёр эмаслиги аён бўлди.

Йиғилишда аниқланган камчиликлар бўйича қатор таълим муассасалари раҳбарларига интизомий чоралар кўрилиб, ҳудудий бошқарув органлари раҳбарларига уларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Барча таълим муассасала-

рида мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини тугатиш, имзоланган шартномалар асосида кўмир ва бошқа турдаги ёқилғиларни жойларга етказиб бериш, уларнинг сифатли сақланишини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш, мактабларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлигининг ўрнатилган тартибда қабул қилиниши бўйича масъул

шахсларга топшириқлар берилди.

Ҳайъат мажлисида, шунингдек, янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнида таълим-тарбияни мазмунан бойитиш, унинг самарадорлигини ошириш борасида тизимда бир қатор янгиликлар амалиётга жорий этилаётгани айтиб ўтилди. Таълим самарадорлигини ошириш, ўқитувчиларга ўз устида мустақил ишлашлари, машғулотларга пухта тайёргарлик кўришлари учун максимал шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг вақтларини ортиқча ҳисоботларга эмас, таълим-тарбияни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратиш мақсадида Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг "Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг иш юкласини белгилаш ва тақсимлаш тўғрисида"ги қўшма буйруғи қабул қилинди. Халқ таълими тизимида узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган Давлат таълим стандартлари шарҳлари, ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди. Халқ таълими вазири

Hay'at yig'ilishida

лиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қўшма қарори билан «5—9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом тасдиқланиб, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди ва тегишли илмий-методик кенгашларда тасдиқланиб, янги 2010-2011 ўқув йилидан амалиётга жорий этилди.

Педагогик кадрларнинг касбий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ривожлантириш мақсадида ўқитувчи-педагог касбининг обрўси ва нуфузини ошириш, "Устоз-шогирд" тизимини ривожлантириш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш механизмнинг самарали, адолатли, холисона ишлашини таъминлаш, педагогик жамоаларда соғлом, ижодий рақобат муҳитини яратиш, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими фаолиятини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг кундалик дарсга тайёргарлигини, дарс таҳлилларини доимий назоратга олиш ва бу борадаги ижобий тажрибаларни оммалаштириш масаласи ҳайъат мажлиси иштирокчиларининг эътиборида турди. Таълим тизими раҳбарларининг дарс таҳлилининг ўтказишининг доимий назоратини кучайтириш, ҳар чорак якуни бўйича таҳлил дафтарларининг текширилиши бўйича доимий мониторинг олиб бориш, керакли методик ёрдам кўрсатишга келишиб олинди.

Кун тартибдаги барча масалалар юзасидан масъул шахсларга қатор топшириқлар берилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги
Ахборот хизмати бошлиғи

Бугун мактабгача таълим муассасаларини мукамал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, замонавий мебеллар билан жиҳозлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

2010-yil — Barkamol avlod yili

2010 йил давомида Сирғали туманидаги 8та муассаса(45-, 236-, 297-, 562-, 565-, 566-, 598-, 599-МТМлар)нинг таъмирдан чиқарилиши режалаштирилган эди. Айни пайтда тумандаги 7 та МТМда таъмирлаш ишлари ўз ниҳоясига етиб, улар замонавий мебеллар билан жиҳозланмоқда.

45-соғломлаштириш мактабгача таълим муассасаси 92 нафар кичкинтойни ўз бағрига олган. Муассасанинг жорий таъмирдан чиқиши учун 74 436 000 сўм маблағ ажратилган эди. Яқинда таъмирлаш ишлари тугаб, 10 та диван ва 5 комплект стол-

чиқарилди. Ишлаш учун қулай шароит яратилган, машғулот хоналарига замонавий мебеллар олиб келиб ўрнатилди. Энди бизда, қишдан қандай чиқиб оламиз, деган муаммо йўқ. Чунки кичкинтойларимиз иссиқ хоналарда машғулот олиб бо-

ўлади. Бинонинг томи ёпилган, болажонларнинг машғулот ва ётоқхоналари кўзни қувонтирадиган даражада ўзгарди. Энди ҳар йили бир ёки икки марталаб таъмирлашдан кутулдик. Бу йили эса канализация ва иситиш тизими ҳам жорий таъ-

ҚУЛАЙ ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТ МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

стул болажонлар ихтиёрига топширилди.

— Иситиш тизимининг ишдан чиққанлиги учун ҳар қиш мавсумида бир талай муаммоларга дуч келар эдик, — дейди муассаса раҳбари Лилия Ли. — Бугун қувурларнинг бир қисмини тузаттирсак, эртага бошқа ёри олиб кетарди. Канализация тизимида ҳам муаммолар бор эди. Мана энди буларнинг барчаси бартараф этилди. "Yugov Proekt Stroy" масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан муассасамизда сантехника, иситиш ва канализация тизимлари жорий таъмирдан

ришлари мумкин. Бундай имкониятлар бизни яна-да дадилроқ ишлашга, зиммамиздаги вазифага масъулият билан ёндашишга ундайди.

598-МТМнинг томи ўтган йили замонавий шиферлар билан ёпилган. Муассаса канализация ва иситиш тизимининг жорий таъмирдан чиқарилгани қиш мавсумининг кўнгилдагидек ўтишини таъминлайди.

— Бино томига шифер қоқилмасидан аввал чакка ўтиб, шифтлар таъмирталаб бўлиб қоларди. Ҳар йили ҳомий ташкилотлар ҳисобидан шифтлар таъмирланса-да, кейинги мавсумга бериб, яна шу муаммолар пайдо

мирдан чиқди. Жамоамизга кўшилиб, ота-оналар ҳам хурсанд.

Боғча биносининг жорий таъмирдан чиқиши учун 74 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ҳали бўёқ ҳиди кетиб улгурмаган хоналарни кузатар эканмиз, йилдан-йилга ўзгариб, чирой очиб бораётган мактабгача таълим муассасаларига ҳавасимиз келди. Шароит ва имконият етарли масканларда тарбия топиб, камолга етаётган кичкинтойларнинг кўзида порлаб турган қувончдан бизнинг-да кўнглимиз тоғдай кўтарилди.

Башорат ОТАЖОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ПЛАДБИРДАН ПЎТАРАККА

2010-2011 ўқув йили бошланиши муносабати билан Республика ўқувчилар техник ижодиёт марказида "Очиқ эшиклар" куни бўлиб ўтди.

Тадбирда Собир Раҳимов туманидаги 19та умумтаълим мактаби ўқувчи ва мураббийлари, "Камолот" ЁИХ марказий кенгашининг "Камалак" болалар ташкилоти, Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази вакиллари, "Қорасарой" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва фахрийлари иштирок этишди. Йиғилганлар тўғрақ қатнашчилари томонидан тайёрланган байрам дастури ва улар яратган автомобиль, бинолар моделлари, либослар намойишига гавоҳ бўлишди.

Марказда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, бошланғич техник моделлаштириш, компьютер саводхонлиги ва графикаси, "Ниҳол" видеостудияси, автомобиль, радиоҳаваскорлар, тўқиш, инглиз ва рус тилларида техник атамаларни ўрганиш ҳамда миллий хунармандчилик каби тўғрақларда болалар мактабдан бўш вақтларида касб-хунар ўрганишади. Айни пайтда бу масканда 1223 нафар ўқувчи таълим олиб, хунар ўрганмоқда. Шулардан 921 нафари марказ биносидан, 178 нафари мактабларда, 30 нафари 22-Мехрибонлик уйида, 58 нафари болалар боғчаси ҳамда 36 нафари "Қорасарой" маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган тўғрақларга қатнашди.

Тадбир сўнгидан умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мураббийлар, меҳмонлар марказдаги тўғрақлар, шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Болалар ўз қизиқишларига қараб турли тўғрақларга қатнашиш истагини билдириб, тўғрақ қатнашчилари қаторига ўз исм-шарифларини ёздириб қўйишди ҳам.

— Мақсадимиз баркамол ва маънан етук авлодни вояга етказиш экан, аввало, уларни билим олиш, касб-хунар эгаллашга йўналтирмоғимиз лозим, — дейди Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази раҳбари Ҳадича Зокирова. — Марказнинг республика миқёсида 2500дан ортиқ филиаллари мавжуд бўлиб, улар ўртасида турли кўрик-танловлар ўтказиб турилади.

Моҳичехра ЛАТИПОВА

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Савол: Маълумотим ўрта махсус, мутахассислигим бошлангич синф ўқитувчиси, иш стажим 18 йил. Мактабда ўз фаолиятимни давом эттиришим мумкинми?

Лола НУРМАТОВА,
Ангрен шаҳри

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 январда 1541-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими вазирликлари ва Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 105, 42, 01-

357-сон қарори билан тасдиқланган «Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари» 19-бандига асосан, сиз ўз фаолиятингизни давом эттиришингиз мумкин.

Савол: Мактабимизда нафақа ёшидаги ўқитувчилар ишлайди. Янги ўқув йилида ёш кадрларни иш билан таъминлаш кераклигини ҳисобга олсак, қандай йўл тутганимиз тўғри?

Т.ТОШМАТОВ,
Ангрен шаҳридаги 10-мактаб раҳбари

Жавоб: Мактабда ишлаётган нафақадаги ўқитувчилар ҳам бошқа ходимлар каби меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш масаласи уларни ишдан бўшатиш учун сабаб бўла олмайди.

Савол: Мен педагогика билим юртининг тикувчилик ва куни узайтирилган гуруҳ тарбиячилиги мутахассислиги бўйича битирганман. 2007 йили меҳнат таълими ўқитувчиси сифатида аттестациядан ўтдим. Ҳозир меҳнат таълими ва мусиқадан дарс бераман. Меҳнат таълимига 1-тоифа бўйича, мусиқага мутахассис сифатида ҳақ тўлашяпти. Агар мусиқа фани бўйича ҳам аттестациядан ўтсам, менга ундан ҳам тоифа бўйича ҳақ тўлашар экан, шу тўғрими?

Хулқарой ҲАКИМОВА,
Фарғона вилояти

Савол: 1. Мактаб ўқитувчиларига таътил пули қандай тартибда тўланади?

2. Мактаб директор жамғармасидан ўқитувчиларга устама ҳақ қандай тўланиши ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз.

Аликул МИРЗАЕВ,
Самарқанд вилояти, Кўшработ тумани

Жавоб: 1. Барча мактаб ўқитувчиларига дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда 48 кун муддат билан йиллик асосий таътил берилади. Таътил даврига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи «таътил пули ҳисоблаш куни»даги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни ўн иккидан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланади-

ган бошқа тўловлар киради.

2. Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 275-сонли қарорининг 4-иловасидаги «Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинган.

Директор жамғармаси ҳисобидан ўртак кўрсатган ходимларнинг базавий тариф ставкаларига ойлик устама белгиланган йўли билан моддий рағбатлантиришни ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 41-, 5067- ва 84-01-1375-сон қўшма қарори билан тасдиқланган «Умумтаълим муассасалари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисида»ги Низом билан белгиланган.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 январда 1541-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг

2005 йил 30 декабрдаги 105-42 ва 01-357-сон қарори билан тасдиқланган «Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари» 19-бандига асосан, ўқитувчи лавозимига қўйиладиган умумий малака талабларига қуйидагилар киради:

лиги бўйича камида ўрта махсус педагогик маълумот;

б) фан ўқитувчиси учун фан йўналишига тўғри келувчи камида ўрта махсус маълумот.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сиз мусиқа фани ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатишингиз учун малака талабларига эга эмаслигингизни маълум қиламиз.

а) бошлангич синф ўқитувчилари учун бошлангич таълим ихтисос-

Савол: Мактабларда фан ойликлари қандай тартибда ўтказилади?

Аҳмад ЭШҚОБИЛОВ,
Сурхондарё вилояти, Қизирик тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 18 январда эълон қилинган «Умумтаълим муассасаларида фан ойликларини ўтказиш тўғрисида»ги 16-сонли буйруғига мувофиқ, ҳар ўқув йилида ўқувчиларнинг умумтаълим фанларига бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида фан ойликлари ўтказилади. Ушбу буйруққа илова тариқасида фан ойликларини ўтказиш тартиби берилган бўлиб, бу қуйидаги жадвалда акс эттирилган:

	Фан ва йўналишлар номи	Ўтказиш муддати
1	География ва иқтисодий билим асослари	Сентябрь
2	Филология йўналишидаги фанлар (она тили ва адабиёт, ўзбек тили, қозоқ тили, тожик тили, қирғиз тили, туркман тили, қорақалпоқ тили)	Октябрь
3	Рус тили ва адабиёти (ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактабларда ҳамда таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида)	Ноябрь
4	«Миллий истиқлол ғояси» туркумидаги фанлар	Декабрь
5	Ижтимоий фанлар (тарих, ҳуқуқ)	Январь
6	Аниқ фанлар (математика, информатика)	Февраль
7	Жисмоний тарбия ва табиий фанлар (физика, кимё, биология)	Март
8	Эстетик йўналишдаги фанлар (тасвирий санъат, чизмачилик, мусиқа, меҳнат таълими)	Апрель
9	Хорижий тиллар (инглиз, немис, француз)	Май

Савол: Мактабда олий маълумотли фан ўқитувчилари етишмаслиги сабабли МДХ ҳамда чет давлатлар олий ўқув юртлирини битирган, аммо дипломи Давлат тест маркази томонидан нострификация қилинмаган олий маълумотли ўқитувчилар билан вақтинчалик меҳнат шартномаси тузиш мумкинми?

Т.САЛИМБЕКОВ,
Тошкент вилояти, Паркент тумани

Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги қирғиз-ўзбек университетининг тарих факультетини 2009 йили тамомладим. Аммо «Дипломингиз нострификация қилинмаган» деб мени ҳеч жойга ишга олишмаяпти. Бу масалада кимга мурожаат қилишим керак?

Замирахон ЙЎЛДОШЕВА,
Андижон вилояти, Марҳамат тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги «Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини та-

комиллаштириш тўғрисида»ги 283-сонли қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд

этиш) тартиби тўғрисида»ги Низом» талабларига асосан иш тутилади. Бунга кўра, дипломи нострификация қилинмаган ўқитувчи билан меҳнат шартномаси тузиш мумкин эмас.

Қарши шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида 34 нафар олий тоифали, жама 103 нафар ўқитувчи болажонларга таълим-тарбия бериш билан машғул. Ўқув масканида ҳозирда 1834 нафар ўқувчи билим олмоқда. Кўпчилик ота-оналар ўқитиш жараёни пухта ташкил қилинган масканлардан бири сифатида машхур бўлган ушбу муассасада фарзандларини ўқитишни хошлашади.

Дарҳақиқат, остона ҳатлаб мактаб ҳовлисига кирганимизда, манзарали дараклар ўстирилган, ранг-баранг гуллар экилган, ҳаммаёқ обод, саранжом-сарисхта, хуллас, аjoyиб бир манзара бизни беихтиёр ўзига ром этди. Ўқув хоналаридаги шароит, дарс жараёни билан қизиқдик. Кимё

ТўЛИҚ БИЛИМ ВА АНИҚ ТАСАВВУР ВОСИТАСИ

хонасида олий тоифали ўқитувчи Дилфуза Узоқова 9-синф ўқувчиларига дарс бераётган экан. Хона кенг ва ёруғ, гуллар ўстирилган, буклетлар, плакатлар Менделеев даврий жадвалининг энг янги варианты, штатив ва яна турли ўқув-лаборатория жиҳозлари билан безатилган.

— Биз ҳозир «Кимёвий боғланиш турлари» мавзусини ўта-япмиз, — дейди кўзлари порлаб турган, билимга ташна ўқувчилардан бири Бунёд Баҳриддинов. — Айрим зарарсиз

кимёвий моддаларни ўз кўзимиз билан кўриб, лаборатория ишларини бажариш имконига эга бўлаёلمиз. Улардан ама-

Umummilliy dastur — amalda

лиётда фойдаланамиз. Бу бизнинг дарсда ўрганаётган турли кимёвий моддалар ҳақида тўлиқ билимга эга бўлиш, аниқ тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

Физика хонасида эса 2006-2007 ўқув йилида «Коларма» фирмаси томонидан келтирил-

ган 79 хил замонавий талаб даражасидаги ўқув-лаборатория жиҳозлари дарс мавзуларини ёритишда, амалий машғулотларда асқотмоқда. Лаборатория хонасидан турли хил ракета моделлари, стол фонарлари, ричаглар, шайинли тарози, ҳаракатланувчи моделлардан ташқари ўқувчиларнинг ижод намуналари, шунингдек, лаборатория ишлари натижалари қайд қилиб бориладиган ўқувчиларнинг махсус дафтарлари ҳам ўрин олган.

Биология хонаси ҳам энг янги ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

—Мактабимиздаги барча ўқув-лаборатория хоналари, жумладан, биология хонаси ҳам ҳозирги замон талабларига мос жиҳозланган. Лаборатория иши, амалий машғулотларда булардан самарали фойдаланилапти. Аввало, жиҳозлар билан ўқувчиларни таъминлаш, фойдаланиш қоидалари тушунтирилади. Бу йил кўплаб битирувчи ўқувчиларимиз тиббиёт коллежларига ва бошқа ўқув даргоҳларига юқори балл тўплаб ўқишга киришди, — дея шогирдларидан мамнуллигини изҳор қилди биология фани ўқитувчиси Зулфия Қўлдошева.

Ғолиб БАҲРОМОВ,
«Ma'rifat» мухбири



Ma'rifat 2-илова Metodist

ДАРС КУЗАТИШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг тайёргарлиги, билим олишдаги фаоллиги, фанга қизиқиши, ўқув жиҳозлари билан мустақил ишлаш билиши аниқланади. Ўқитувчининг дарсини бир неча марта кузатиш ва таҳлил қилиш унинг педагогик маҳорати, иш тизими, ўқувчиларнинг ўзлаштириши, билим даражаси юзасидан хулоса чиқариш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларининг дарсларини таҳлил қилишда кўпинча кузатувчилар дарсга яхлит тизим сифатида қарамай кўпроқ ташқи жиҳатларига баҳо берадилар, дарснинг мазмун-моҳияти хусусида юзаки мулоҳаза юритадилар. Ўқитувчилар одатда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйишади:

- дарс мақсади билан ўқувчиларни таништирамаслик;
- интерфаол методлардан самарали фойдалана билмаслик;
- дарс жараёнида барча ўқувчиларнинг иштирокини таъминлай олмаслик;
- ўқувчилар билан якка ва жамoa тартибда ишлашга эриша олмаслик;
- ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминламаслик;
- бажарилган ишларни вақтида баҳоламаслик;
- ўқитувчи нутқининг раван ҳамда таъсирчан эмаслиги;
- мавзуни амалиёт билан боғлаб тушунтирмамаслик;
- мавзуни илмий ва амалий нуқтаи назардан тушунтиришга эътибор бермаслик;
- синф доскаси, дарслик, ўқувчи дафтари, қўшимча адабиётлардан фойдаланишнинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги;
- ўқувчиларга бериладиган саволларнинг муаммоли тарзда тузилмаганлиги кабилар.

Дарс таҳлилининг тизимлаштирилмаганлиги, аниқ бир мақсаднинг йўқлиги, дарсга тасодифан кириш, чуқур таҳлил қила олмаслик, ўқитувчига амалий ёрдам кўрсата олмаслик эса дарслар сифати ва савиясининг пасайиб кетишига олиб келади.

Дарсларни таҳлил қилиш фақатгина методик аҳамиятга эга бўлиб қолмай, мактабда ўқув-тарбия жараёнига раҳбарлик ва назоратнинг муҳим шаклларида бири ҳамдир. Ўқитувчи дарсини кузатиш ва таҳлил қилиш амалиётининг тизимли амалга оширилиши дарсларни қиёслаш ва йўл қўйилган хатоларнинг бартараф этилганлигини аниқлаш имконини беради. Ўқитувчиларнинг ўзаро дарс кузатиши айна пайтда тажриба алмашинув жараёни ҳам бўлиб, дарс ўтаётган ўқитувчи бор маҳоратини ишга солиб, юқори савияда фаолият кўрсатса, таҳлилга кирган киши ҳам тақлиф ва мулоҳазалар бериш орқали ўз тажрибасини бойитади, методик малакасини оширади.

Дарс вилоят ХТБ, туман халқ таъ-

лими бўлими, таълим муассасалари раҳбарлари, ходимлари, методистлар ва ўқитувчилар томонидан кузатилади ва таҳлил қилинади. Унда қуйидагилар бирламчи шарт ҳисобланади:

- таълим ва тарбия жараёни сифатини аниқлаш;
- ўқитувчининг педагогик маҳоратини оширишга ёрдам бериш;
- илғор иш усуллари ва методларини ўрганиш ҳамда оммалаштириш;
- ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашишига шароит яратиш;
- ўқувчиларнинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлаш;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ўрганиш;
- дарс жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини олиш, ўқитувчига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;
- ўқувчилар психологик хусусиятларининг ўзига хослигини эътиборга олиш;
- дарсни таҳлил қилиш, боришини кузатиш, ўз-ўзини таҳлил қилишни таъминлаш ва тақлифлар бериш билан амалга оширилади.

Дарсни таҳлил қилишда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилади.

1. Дарсни кузатишдан олдинги тайёргарлик:

- дарс кузатишдан кўзланаётган мақсад ва вазифаларни шакллантириш;
- кузатиладиган дарсни аниқ белгилаб олиш;
- дарс кузатиш тузилмасини тайёрлаш;
- керакли материалларни тайёрлаш, ўқитувчи билан суҳбатлашиш.

2. Дарсни таҳлил қилиш:

- ўқув фани ва мавзунинг ўзига хос томонлари, ўқувчилар ёши ва билим даражаси эътиборга олинган ҳолда таълим-тарбия мақсадининг тўғри ва асосли қўйилганлиги;
- ўқувчиларнинг тайёргарлиги, ўрганилаётган мавзу бўйича дарслар тизимидаги айнан шу машғулотнинг ўрнини ҳисобга олган ҳолда тўғри мақсад қўйилишига эришиш;
- дарс асосий ғоясининг тўғри қўйилиши ва ўқувчиларга мақсаднинг етказилиши, мақсадга эришиш даражаси.

3. Дарс тузилмаси ва дарснинг ташкил қилинишини таҳлил қилиш:

- дарс тузилмасининг мақсадга мослиги;
- дарснинг тури, структурасининг пухта ўйланганлиги;
- дарс босқичларининг мантикий кетма-кетликда бир-бири билан боғлиқлиги;

- дарс босқичлари учун вақтнинг тўғри тақсимланганлиги;
- ўқитиш шакллариининг тўғри танланганлиги;
- дарс режаси ўқитувчи томонидан бажарилишини назорат қилиш;
- дарс жиҳозлари. Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигини унумли ташкил қилиш.

4. Дарс мазмунини таҳлил қилиш:

- дарс мазмунининг Давлат таълим стандарти талабларига мослиги;
- материалларнинг ишончилиги, тўлиқлиги, тушунарлилиги;
- баён қилинаётган материалнинг илмий даражаси;
- дарснинг тарбиявий йўналиши, таълимий таъсир даражаси;
- дарсни ҳаёт, меҳнат тарбияси ва касбга йўналтириш билан боғлаш;
- ўқувчилар томонидан янги билимларни қабул қилишдаги қийинчиликларни бартараф этиш;
- янги материалнинг асосий ғоясини ажратиш. Янги тушунчаларни шакллантириш. Таянч билимларнинг муҳимлигини кўрсатиш.

5. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш:

- машқ ва топшириқларнинг хусусиятлари, мустақил ишларнинг турлари, мураккаблик даражаси, ўқувчилар тайёргарлик даражасининг ҳисобга олинганлиги;
- ўқитувчи томонидан тушунтириш ишларининг олиб борилиши;
- ўқитувчининг ёрдами. Янги материалнинг ўзлаштирилганлик даражаси.

6. Дарс ўтиш методикасини таҳлил қилиш:

- ўқитишнинг метод, восита ва усуллари танлашда ўқув материалининг мазмуни. Дарс мақсади, синфнинг имкониятларига мос танланганлиги ва асосланганлиги;
- ўқитувчи томонидан дарснинг ҳар бир босқичида метод, усуллар тўғри қўлланганлиги, ишлатилаётган метод ва усулларнинг хилма-хиллиги; кўргазмалар, куроллар, тарқатма материаллар, техника воситаларидан самарали фойдаланилганлиги;
- ўқитувчининг методик куролланганлиги ва педагогик техникасини баҳолаш муҳим.

7. Ўқувчиларнинг дарсдаги интизоми ва иш фаолиятини таҳлил қилиш:

- Синфга умумий баҳо бериш, ўқувчиларнинг диққати ва фаоллиги, фанга бўлган қизиқиши, иқтидорли ва ўзлаштириш даражаси паст ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш;
- умумий ва якка тартибда ишлашда фаолиятни биргаликда олиб бориш. Синф интизомини сақлаш усуллари.

8. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти:

Педагогик этикаси, нутқи, ахлоқий ва психологик иқлимнинг ташкил этилиши.

9. Ўқувчилар билимини баҳолаш:

Ўқувчиларга берилган билим, кўникма ва малаканинг сифати; Ғоя ва материалларнинг асосий томонларини кўрсата олиши, амалий кўникмаларни эгаллаганлик даражаси;

Текшириш турлари. Баҳоларнинг жамланганлиги.

10. Уй вазифасини таҳлил қилиш:

Синфда бажарилган иш билан уйга берилган вазифанинг ҳажми. Уйга берилган вазифанинг хусусияти (ижодий, такрорлаш, мустақамлаш, ривожлантириш), уй вазифасини беришда ўқитувчининг изоҳи.

Дарс таҳлили қуйидагича баён этилади.

Сана _____

Ўқитувчи _____

Фан _____

Синф _____

Кузатишдан мақсад _____

Дарс босқичлари	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти	Тушунтириш ва фикр-мулоҳаза билдириш

Ўз-ўзини таҳлил қилишда ўқитувчига қуйидаги саволлар билан муурожаат қилиш мумкин:

Қандай талаб асосида дарсга раҳбарлик қилинди?

Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари қандай ҳисобга олинди?

Ўқувчилар фаолиятини режалаштиришда нималарга эътибор қаратилди?

Мавзу бўйича материаллар тўғри танланганми?

Танланган методлар ўз натижасини берди? Ёки нима учун натижа бермаганини изоҳланг.

Ўқувчиларнинг билимларини оширишга қандай имкониятлар яратилган?

Ўқувчилар билан мустақил ишлашнинг педагогик қимматини кўрсатиш.

Ўқувчилар интизоми, уларга ахлоқий тарбия беришнинг шакллари.

Қандай қийинчилик кузатилди? Уни енгиш йўллари, келиб чиқиш сабабини кўрсатинг.

Мақсадга қай даражада эришилганлигини асослаш, эришилмаган бўлса, сабабини кўрсатиш.

Дарснинг натижасига баҳо ва дарсни такомиллаштириш бўйича тақлифлар.

Хулоса қилиб айтганда, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитувчиларнинг касбий малакасини, маҳоратини оширишда амалий-методик ёрдам беришнинг энг самарали усулларида бири ўқитувчининг дарсини кузатиш ва унга бериладиган тавсия ҳисобланади. Унда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга, мактабнинг таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштиришга, ўқитувчиларнинг масъулиятини оширишга асосий диққат-эътибор қаратилмоғи лозим.

Ислом ЗОКИРОВ,
Республика таълим маркази директори

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МЕТОДИК ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Таълим муассасаси фаолиятининг самарадорлиги унинг ҳар бир бўғини бошқарувиغا тизимли ёндашуving мавжудлиги билан белгиланади. Таълим муассасасининг истиқболини кўра билиш, фаолиятни педагог жамоанинг ижодий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Умумтаълим мактабларида методик фаолиятнинг бир неча шакли мавжуд. Иш жараёнида уларнинг қай бирини қўллаш педагог жамоанинг савияси, педагог ва мактаб раҳбарларининг малакасига боғлиқ.

Умумий ўрта таълим мактабларида методик фаолиятни, асосан, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари бошқариб боради.

Шунинг учун ундан ҳам ташхисий, ҳам таҳлилчи, ҳам тадқиқотчи, ҳам маслаҳат берувчи бўлиш талаб қилинади. Шунингдек, у педагогика фанидан ташқари психология, фалсафа, статистика, информатика соҳалари бўйича ҳам етарли маълумотга эга бўлиши керак.

Директор ўринбосарининг методик фаолиятни куйидаги асосий йўналишлардан иборат:

- ташкилий-педагогик технологияларни жорий қилиш, ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил этиш учун ўқув муассасасида шaroит яратиш. Фаолият шакллари — семинар, тренинг, педагогик технологиялар бўйича аукцион, намойишлар, очик дарслар, ишбилармон ўйинлар ташкил этиш;
- ташхис-таҳлил қилиш. Ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг асоси бўлган мониторингнинг ташкил қилиш. Олинган натижалар талабларга жавоб беришини аниқлаш мақсадида ДТСнинг бажарилиши даражасини доимий кузатиб бориш, ўқувчининг руҳий-jisмoний хусусиятларини ўрганиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш. Фаолият шакллари — ташхис, анкета саволлари, тест саволлари ва бошқалар;
- ахборот-йўриқнома бериш — таълимнинг ривожланишига оид ҳужжатларни ўрганиш, ўқитувчиларга ўқув материалларини режалаштириш, дарс ишланмалари ёзиш, ўқув жараёнини

ташкил қилиш, модулли ўқитиш, технологик хариталарни тузишда ёрдам бериш. Фаолият шакллари — семинар, суҳбат, ижодий гуруҳлар иши, методик бирлашмалар;

- ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш. Ўқитувчининг охириги 2-3 йилдаги натижаларини таҳлил қилиб, бартараф этилмаган камчиликлар сабабини аниқлайди. Ўқитувчилар ва методбирлашма раҳбарлари билан йиғилиш ўтказиб, методик фаолиятнинг асосий вазифаларини белгилаб, педагогик жамоани тест топширишга тайёрлайди. Анкета ва тест саволларига олинган жавобларни ўқитувчининг шахсий касбий харитасига киритади. Ўқитувчилар фаолиятининг ҳолати ва натижаларини аниқлаб боради.

Таълим муассасаларинда методик фаолиятнинг мазмуни куйидагиларни ўз ичига олади:

- жамиятнинг социал жараёнларининг назарий ва амалий асосларини ўрганиш;
- илгор ўқитувчилар тажрибаси асосида ўқув-тарбия жараёнининг янги методларини ўрганиш;
- таълимдаги бошқарув ташкилотларининг норматив ҳужжатлари билан танишиш;
- таълимдаги илмий кашфиётлар ва янги тақлифлар билан танишиш;
- таълим-тарбия бўйича психологик ва педагогик адабиётларни ўрганиш;
- илгор тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганиш.

Куйида умумтаълим мактабларидаги методик фаолиятнинг бир неча шаклини кўриб чиқамиз:

УСТОЗЛИК
Мақсад — тажрибали ўқитувчилар томонидан тажрибаси кам ёш ўқитувчиларга методик ёрдам бериш. Бунда устоз ва унинг шогирдлари дастур ва ўқув материаллари устида ҳамкорликда иш олиб боришади, ўқитишнинг янги методларини излайдилар, олинган натижаларни таҳлил қиладилар.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИ
Мақсад — малака ошириш, ўқув курсининг камчиликларини топиб, уларни тўлдириш. Фаолиятнинг мазмуни — ўқув-режа, дастур, дарсликнинг қисмларини устида ишлаш, янги вариантларини мустақил аниқлашдан ўтказиш ва тақлифлар киритиш.

ОЧИК ДАРСЛАР
Мақсад — илгор ўқитувчиларнинг тўплаган иш тажрибаларини ва педагогик маҳоратларини намойиш қилиш. Фаолиятнинг мазмуни — мазмуннинг янги элементлари ва улар билан боғлиқ бўлган методларни кўрсатиш, курснинг қийин бўлимларини намойиш қилиш. Одатда очик дарс бирор-бир тадбирнинг таркибий қисми бўлади. Масалан, фан ойликлари, педагогик маҳорат мактабининг тажриба алмашиш бўйича семинари.

ПЕДАГОГИК КЕНГАШ
Мақсад — методик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида мактаб жамоасининг самарали ҳамкорлиги учун шaroит яратиш бўйича масалаларни жамоа бўлиб ҳал қилиш. Фаолиятнинг мазмуни — ўқитувчиларнинг ижодий ҳисоботларини тинглаш, методик муаммолар бўйича тақлифлар олиш, қилинган ишлар натижалари бўйича маълумот бериш.

ПЕДАГОГИК МАХОРАТ МАКТАБИ
Мақсад — тажриба алма-

шишни самарали ташкил қилиш. Умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган методик фаолиятнинг шакллари куйидагилардан иборат:

- педагогик ўқиш ва конференциялар;
- очик дарс ва машгулотлар;
- методик бирлашмаларнинг семинарлари;
- ўқитувчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси;
- методик кўргазмалар, кабинетлар, бурчалар ташкил қилиш;
- илмий-техник, педагогик ва бошқа адабиётларнинг шарҳи;
- амалий семинарлар;
- методик кўлланмалар, муаллифлик дастурлари;
- устоз-шогирд;
- тажрибаси оммалаштирилган ўқитувчиларнинг ҳисоботлари.


Умумтаълим мактабидagi методик ишларни режа асосида олиб бориш бошқариш услубининг самарали ва ажралмас қисмидир. Режа аниқ шaroит, вазиятнинг хусусиятини ҳамда бутун мактаб жамоаси, унинг айрим бўғинлари ол-

дида турган вазифаларнинг хусусиятларини аниқ ҳисобга олиб тузилган, қатъий суръатда тартибга солинган, бир-бири билан боғланган ва чуқур ўйлаб қўрилган тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлмоғи лозим. Тўғри тузилган иш режасида илгари йўл қўйилган хато ва камчиликлар тузатилади ва раҳбар ҳамда мактаб ўқитувчиларининг ишни тизимли олиб бориши учун қўлланма вазифасини ўтайди.


Таълим муассасасида методик фаолиятнинг самарали бўлиши шартлари:

- ўқув йили учун методик фаолиятнинг аниқ режалаштирилиши;
- педагогик жамоанинг барча аъзолари методик фаолиятга жалб этилиши;
- ижодкор, юқори натижаларга эришган ўқитувчиларнинг мактаб маъмурияти томонидан рағбатлантирилиши;
- педагогик жамоада ижодий муҳитни ташкил қилиш;
- ўқув муассасасида илгор тажрибали банкни ташкил қилишдан иборатдир.


МЕТОДИК ИШ ТУЗИЛМАСИ



ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ



ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ



Таълим сифати ва мазмуни оширишнинг муҳим шароитларидан бири — ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланишидир. Эътиборсизлик билан режалаштирилиб, пухта тайёрланмаган, ўқувчилар имкониятлари билан уйғунлашмаган дарс кутилган натижани бермайди. Шунинг учун ҳар бир педагог дарсга ҳозирлик кўришни биринчи галдаги вазифа сифатида ёдда сақлаши лозим.

Дарсга тайёрланиш — бир бутун тадбирлар маънасини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бунда энг муҳими, пировад натижани таъминлайдиган ўқув-тарбия жараёнини танлашдир. Тайёргарлик асосан икки йўналишда олиб борилади:

• ўқитувчининг ўз фани юзасидан умумий тайёргарлиги;
• ҳар бир дарсга кундалик тайёргарлик.

Умумий тайёргарлик ўқув йили бошлангич олдидан ва йиллар давомида амалга оширилади. Бунда куйидагиларга эътибор қаратилади:

• ўқув йили бошлангичга қадар ўқув дастури, тушунтириш хатини қайтадан ўқиб чиқиш, мавзу бўйича қўйилган Давлат стандарт талабларини ўрганиб чиқиш, ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малака меъёрларини аниқлаш каби вазифаларни белгилаб олиш;
• фанга оид илмий, методик ва илмий оммабоп адабиётларнинг мазмуни билан танишиш;
• янги нашр қилинган ўқув адабиётлари, кўргазмалари материаллар, ўқув-лаборатория жиҳозларини ўрганиш;

илгор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ўз устида ишлаш орқали билимини кенгайтириш;

ўз фани соҳасида энг янги маълумотларни тўплаш, муаммо масала ва топшириқлар, тест материалларини жамлаш.

Ўқитувчининг умумий тайёргарлиги унинг фан бўйида турган таълим-мавзу режасида акс этади. Ушбу режа фан ўқитувчиси томонидан тузилиб, методбирлашма йиғилишида муҳокама қилинади, маълумлангандан сўнг маъмурият томонидан тасдиқланади.

Ўқитувчининг ҳар бир Тақвим-мавзу режаси куйидаги шаклда тузилади:

Дарс №	Мавзулар	Дарс соати	Ўтказиш муддати	Дарс ўтиладиган сана	Дарсда фойдаланиладиган воситалар	Мавзу бўйича ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган БКМлар	Ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун топшириқлар (дарсда, уйда)
--------	----------	------------	-----------------	----------------------	-----------------------------------	--	---


ТАҚВИМ-МАВЗУ РЕЖАСИ ВА ДАРС ИШЛАНМАСИ

ҳисобга олиш ва сифатли таълимни кафолатлайдиган изчил тадбир бўлиши зарур. Шунинг учун ҳар бир дарсга тайёрланишда куйидагиларга эътибор қаратишни тавсия қиламиз:

- дарсда ўқувчи шахсини ривожлантириш учун, аввало, унинг идрокси, хотирасини қуйайтириш асосида ўқув материалининг мустақам ёдда сақланишини таъминлаш;
- дарс мақсадига эришиш учун ўқув материалларини тўғри танлаш, бунда ўқувчиларнинг билим савиясини ҳисобга олиш ва дарсини жиҳозлашга жиддий эътибор бериш;
- ўқув материалларининг ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун таълимнинг метода ва усулларидан ўринли фойдаланиш ҳам муҳимдир.

Дарс ўқитувчи зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис, унга атрофлича тайёрланиш тажрибали ўқитувчи учун ҳам, ёш педагог учун ҳам зарур. Бу вазифани сифатли бажариш учун ўқувчилар шахсини ҳар томонлама ўрганишга алоҳида диққат қаратиш шарт. Ўқувчи шахсини ўрганиш оддийгина тадбир эмас, балки таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришишнинг ҳам энг муҳим йўлидир.

Ўқитувчининг ҳар бир Тақвим-мавзу режаси куйидаги шаклда тузилади:



Шунинг учун куйидаги тартибда синф жамоасининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш лозим:

- синфнинг билим ва ўзлаштириш савияси;
- ўқувчиларнинг фанга бўлган муносабати;
- синфнинг ишлаш тезлиги;
- ўқувчиларда билим,

методлари ва ўқитиш усулларини қайд қилиб қўйиш;

- фанларга боғланиш ва ундан фойдаланиш йўллари аниқлаб олиш;
- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарсдаги фаолиятларини режалаштириш;
- дарснинг дидактик воситаларини танлаш (расмлар, тарқатма материаллар, жадваллар, чизмалар

ва бошқалар);

- дарсда фойдаланиладиган жиҳозларни текшириш;
- ўқувчиларнинг дарсдаги мустақил фаолиятлари ҳажминини белгилаб олиш;
- дарсда олинган билим, кўникма ва малакаларни мустақамлашнинг усул ва шакллари белгилаб олиш;
- уй вазифаси ҳажминини мувофиқлаштириш;
- дарсни яқунлаш шакллари ишлаб чиқиш;
- қайд этилган талаблар асосида дарс ишланмасини ёзиш.

Дарс ишланмаси қандай тузилади?
Ўқитувчи олдида турган асосий вазифалардан бири — ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбия сифатини ошириш, уни янада ривожлантириш ҳамда юқори босқичга кўтаришдан иборат. Шу сабаб, ўқитувчининг аниқ шaroит ва имкониятларга мос ўқув жараёнини танлаб олиши дарсда таваккалчиликка, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёнини бошқаришда унга та-

содифий ёндашишга йўл қўймайди. Бунда, айниқса, дарс ишланмасини батафсил тузиш, аниқ вазиятни эътиборга олиб, дарсларни турли хил шаклда ўтказишга эътибор қаратиш муҳим.

Дарс ишланмасини тузишда куйидаги жиҳатлар эътиборда туриши лозим:

1. Дарс мавзуси (тақвим-мавзу режа асосида режалаштирилади).
2. Дарс мақсади: таълимий (ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, шакллантириш кўзда тутилган ҳолда белгиланади);

3. Дарс тури (тақвим-мавзу режа бўйича дарснинг тури кўрсатилади).
3. Ўқитиш методлари: (методлар, усуллар, педагогик технологиялар)
4. Дарс жиҳози: (ЎТВ, кўргазмалар, қўлланмалар, муаммолар манбаи, адабиётлар, ўқитишнинг дидактик воситалари).
II. Муҳимлиги (янги материални ўзлаштириш учун ёрдам берадиган таълим билимларнинг муҳимларини ажратиш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини режалаштириш, ўқитишда мотивацияни шакллантириш йўллари, ўқувчиларнинг фанга қизиқириш, мавзуга доир тарихий маълумотлар бериш, унинг амалий аҳамияти, ўзига хос саволларнинг кўриниши, масалаларнинг янги афода қилиниши, муаммоларни вазият яратиш, иш жараёнида назорат шаклини белгилаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўзаро назорат, тескари алоқани ўрнатиш шакллари учун вақт кўрсатилади).

III. Янги тушунчалар ва ҳаракат усулларини шакллантириш (ўрганилиши лозим бўлган янги тушунчалар ва уларни ўзлаштириш усуллари, билим, кўникма ва малака меъёрларини шакллантириш ҳамда мустақамлашнинг кўрсатиш; ўзлаштириш босқичида вазифаларни аниқлаш, фаолият усуллари шакллантириш; мустақил иш тури, фанларо боғланишни ташкил қилиш усулларини белгилаш, индивидуал топшириқларни бажариш учун ўқувчиларга дидактик материаллар (карточкалар, муаммолар ва маълумотли саволлар)ни тахт қилиб қўйиш).

IV. Қўллаш билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш. Бунда эгаланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар аниқ кўрсатилади. Масалан, саволни тўғри қўйиш малакаси, сабабини аниқлаш, таснифлаш, таққослаш; тескари алоқа ўрнатиш усуллари белгиланади, сўралиши лозим бўлган ўқувчилар фамилиялари кўрсатилади ва бошқалар).

V. Уйга вазифа (асосий вазифа кўрсатилади, такоррлаш учун саволлар, ижодий топшириқлар; уй вазифасининг ҳажми синфда бажарилган ишнинг асосий қисмидан ошмаслиги керак).

Дарс ишланма режасининг тузилиши

Сана	_____
Синф	_____
Мавзу:	_____
Мақсад:	_____
Таълимий:	_____
Ривожлантирувчи:	_____
Тарбиявий:	_____
Тури:	_____
Методлари:	_____
Жиҳозлаш:	_____
Дарс босқичларидagi кетма-кетлик:	

Ташкилий	Янги билимни ўзлаштириш
Уй вазифасини текшириш	Янги билимни мустақамлаш
Ҳар томонлама билимларини текшириш	Уй вазифаси бўйича ахборот, йўриқнома
Янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш	

Дарс қисмининг мазмуни

1.	Дарс босқичи	Вақти	Қўлланиладиган метод	Ўқувчи фаолияти	Ўқитувчи фаолияти
----	--------------	-------	----------------------	-----------------	-------------------

Дарс мазмуни ва самардорлиги нафақат унинг ташкилий тузилишига, балки ўқитувчининг озгаки ва ёзма билимларини ифодалаш, нутқ маданияти, дарсдаги материалларни яхши ўрганиб чиқиши ва ўқувчилар эгаллаши керак бўлган билимларни ёдда сақлаши, масалалар шартлари ва уларнинг жавобларини мустақам билишига ҳам боғлиқ. Шуни унутмаслик лозимки, дарс — ўқитишни ташкил этишнинг

ўзгармас шакли эмас, ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йўллари излашни талаб қилади. Шундай экан, юқоридagi тавсияларга ижодий ёндашган ҳолда улардан самарали фойдаланишингиз, уни янада бойитишингизни истаб қоламиз.

И. МАННОПОВА,
Республика таълим маркази бош мутахассиси

«Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси».

И.КАРИМОВ

Умумий ўрта таълим мактаби Она тили Давлат таълим стандартида ўқитиш жараёнида педагогиканинг таълим ва тарбия қирлиги таълимнинг риоя қилинади ҳамда изчил амалга ошириб борилади, деб қайд этилган.

Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний эътироф этганидек: «Дарс ила тарбия орасида бироз фарқ бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур...». Шундай экан, узвийлик ва узлуксизлик масаласи таълим-тарбия билан боғлиқ барча жиҳатларни қамраб олиши ва бу жараён таълимнинг умумий мақсадига хизмат қилиши лозим. Зеро, кишининг ижтимоий фаоллиги кўп ҳолларда унинг нутқ маданияти, сўзлаш маҳорати, нутқий фаолиятга қай даражада тайёр эканлигига ҳам боғлиқ. Ҳозирги кун таълимида она тилини ўрганишнинг моҳияти, саводхонлик масаласи, умуман, таълим мазмунини такомиллаштириш жараёнига алоҳида эътибор қаратилаётгани, шунингдек, барча олий ўқув юртиларига кириш учун она тили ва адабиёт фанидан тест синовларининг жорий этилганлиги мазкур ўқув фани мактаб таълимида муҳим ўринга эга эканлигини билдиради.

Мактабда она тили етакчи ўқув фанлардан эканлигини, унинг таълими муҳим ижтимоий аҳамият касб этишини фақат ўқитувчи эмас, балки ўқувчилар ҳам чуқур англаб етишларига эришиш ушбу таълимнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Кўп йиллик илғор тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш, педагогик кузатишлардан маълумки, она тилини ўрганишга бўлган қизиқиш, оғзаки ва ёзма нутқ меъёрларини эгаллашга бўлган масъулият ҳисси, қачонки, ўқувчилар томонидан ҳар бир дарс маълум бир орфографик ва грамматик қоидадан ўзлаштириш, машқ ва топшириқларни бажариш воситаси сифатида эмас, балки тилнинг муҳим ижтимоий ҳодиса, алоқа-аралашув ва фикр ифодалаш воситаси эканлигини англаш, идрок этиш имкониятини яратган тақдирдагина шаклланиб боради.

Ўқувчиларда аниқ дунёқарашни шакллантириш мактаб она тили таълими амалий йўналишини белгилабгина қолмай, ўқувчиларни нутқий фаолиятга ва муваққил меҳнат фаолиятга маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам тайёрлайди.

Таъкидлаш жоизки, агар дарсда грамматик тушунчалар нутқий фаолиятдаги вазифаси ва имконияти нуқтаи назаридан ўрганилса, тил ҳодисалари таҳлилига

маънавий жиҳатдан қаралса, ўқувчилар тилнинг ижтимоий хусусиятини, уни ўрганишга бўлган эҳтиёжни теран англаб етадилар.

Она тилига муҳаббат, ҳурмат, эҳтиром туйғулари тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини эътироф этган ҳолда «Она тили» ўқув фани орқали сингдирилади. Бунда ўқитувчи тил таълимининг барча босқичларида доимий равишда она тилини ўрганишга бўлган қизиқиш, унга нисбатан бўлган меҳр туйғусини сўндирмасдан ривожлантириб бориши зарур. Бу вазифани амалга оширишда, энг аввало, дастур ва дарсликларнинг имконият-

ларидан самарали фойдалана олиш лозим.

Педагогика илми ва амалиётдан маълумки, назариядан йўналтирилган таълимга қараб бориш ўқувчининг ижтимоий ҳаётда ўз билими ва қобилиятини намойиш этиш имкониятини яратади. Комил инсонни тарбиялаш мақсади таълим жараёнига ижодкорлик билан ва комплекс ёндашишни тақозо этади. Бинобарин, фақат ижодкорлик ва муваққил фаолият муҳитида ташкил этилган таълим натижасидагина ўқувчида ўзлигини шахс сифатида намойиш эта олиш кўникмалари шаклланиб боради.

Таълим мазмунини янгилашнинг асосини **ўқитиш жараёни ва тафаккур, усул ва технология, англаш, фараз, нуқтаи назар, моделлаштириш** каби жиҳатлар ташкил этади.

Ёш авлодга билим асосларини ўргатиш билан бирга уларни маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш мактабнинг асосий вазифаси ҳисобланадики, бу доимий равишда синфда ва синфдан ташқари ишлар жараёнида амалга ошириб борилиши лозим. Ёшларни Ватан туйғуси, миллий ғоялар руҳида шундай тарбиялаш керакки, бутун вужуди, борлиги билан ўз Ватанини севсин, эъзозласин. Ҳозирги кунда замонавий мактабнинг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдир. Ватанпарварлик тарбияси — ёш авлод маънавий тарбиясининг таркибий қисми ҳисобланади.

Бу хусусиятлар ёш авлод қалби ва шуурида бизни ўраб турган ҳақиқат таъсирида, Давлат ва жамоат

ташкilotлари фаолияти натижасида шаклланади. Шунингдек, матбуот, радио, телевидение орқали ҳамда ёшларнинг жамоат ишларидаги бевосита иштироклари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Болаларда Ватан туйғусини таркиб топтиришда ота-оналарнинг хизматлари ҳам кам эмас. Бироқ бу жараёнда асосий масъулият мактаб зиммасида бўладики, таълим муассасаси режа асосида 1-синфдан 9-синфгача ватанпарварлик тарбиясини ўқувчиларга таъсир кўрсатувчи барча манбаларни инobatга олган ҳолда изчил йўлга қўяди. Барча ўқувчиларни ўқувчиларда Ватан туйғусини таркиб топтиришга йўналтирилади.

Она тили ўқув фани ҳам ўқувчиларга Ватан туйғуси-

маъруза, баҳс-мунозара, ёзувчи-шоирлар ва меҳнат фахрийлари билан учрашув; Ватан туйғуси мавзусида матн яратиш (ижодий ёзма иш), диққатга сазовор жойларга, табиат кўйнига саёҳат уюштириш ва улар ҳақида таассурот ёзиш мумкин. Шунинг билан бирга она тили дарсларининг ўзига хос мазмун-моҳияти, таълим усуллари мавжудки, фаннинг бу жиҳатлари бевосита ва билвосита ватанпарварлик тарбиясига дахлдордир.

Она тили таълими жараёнида ўқувчиларда Ватан туйғусини шакллантириш мумкин бўлган икки йўналишда ўқув материаллари мавжуд: биринчидан, ҳар бир синфда ўқув йили бошида «Тил ҳақида умумий маълумот» мавзуси остида

этиладиган тарбиявий тадбирлар билан узвий ҳолда, бир-бирининг манتيкий доими сифатида олиб борилиши лозим. Шунингдек, фанлараро алоқа таълимига риоя қилган ҳолда адабиёт ва «Миллий истиқлол ғояси» туркумига кирувчи ўқувчилар билан боғлиқликда ташкил этилиши ҳам кутилаётган натижага эришиш имконини беради.

Она тили дарсларида ташкил этиладиган тарбиявий ишлар доимий эътибор талаб қилинадиган жараёнлардир. Бу жараён табиий равишда тил материалларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда ташкил этилиши, ўқувчиларда оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилиши керак. Бунда ўқитувчи дарс вақтидан унумли ва самарали фойдаланиши, ўрганилаётган мавзу моҳиятига зиён етказмаган ҳолда тарбиявий мақсадга эришиши зарур.

Она тили машғулотида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш жараёнида фаннинг ўзига хос хусусиятини инobatга олган ҳолда кўйидаги иш усулларида фойдаланиш тавсия этилади.

- дарсликда берилган машқ матнлари ёки баён матнлари мазмунида акс этган ватанпарварлик туйғуси ҳақида йўл-йўлаккай тушунча бериб бориш;

- иншо ёзиш ёки мустақил ижодий ёзма ишларни бажариш жараёнида Ватан туйғуси мавзусини ёритиш бўйича сухбат уюштириш;

- Ватан туйғуси мавзусида материал тўплашда ёхуд дарс жараёнида фаоллик кўрсатган ўқувчиларни рағбатлантириш;

- шу мавзуда дарсдан ташқари тадбирлар, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этиш;

- Ватанга муҳаббат мавзусида ижодий иншо ёзиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, она тили дарсларида ўқувчилар луғати ижтимоий-сиёсий сўзлар билан (сўз маъноси, қўланиш кўлами) бойийди, улар бунинг нутқий фаолиятда қўллашга ўрганиладилар. Ўқитувчи матнлар мазмуни, ижодий ёзма иш мавзуларини халқ ҳаёти, тарихи, маданияти билан боғлиқликда ҳикоя қилиб, Ватан туйғусини шакллантириб боради. Ватани, халқи ҳақидаги тушунчалари, таассуротлари, туйғуларини баён этиш жараёнида ўқувчи ижтимоий-сиёсий ифодалардан фойдаланадики, бунда ўз-ўзидан унинг луғати бойиб боради.

М.АБДУРАИМОВА,
РТМ бўлим бошлиғи
педагогика фанлари
номзоди

ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

ни сингдиришда катта имкониятларга эга. Ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш бўйича она тили таълими олдида кўйидаги вазифалар туради:

- болалар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини шакллантириш;

- уларда ўз халқини, Ватани тарихини ва бошқа давлат халқларини севиш туйғуларини ривожлантириш;

- она тилига муҳаббат руҳида тарбиялаш;

- она табиатни асраб-авайлаш ва унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

- Ватан равнақи ва фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга тайёрлаш.

Она тили дарсларида амалга ошириладиган таълимий ишлар қачонки, тарбиявий усуллар ватанпарварлик туйғусининг таркибий қисми сифатида ҳам мазмунан, ҳам методик жиҳатдан синфдан синфга ўтган сари такомиллашиб, ривожланиб борса самара беради. Шунинг учун ҳам фанлар кесимида олиб бориладиган тарбиявий жараён мактаб тарбиявий тадбирлар режаси билан мувофиқлаштирилиши лозим.

Тарбия — бу тарбиячининг хоҳишига кўра, тарбияланувчида инсоний фазилатларни шакллантирувчи аниқ ва мақсадга йўналтирилган психологик таъсирдир. Педагогика назариясида тарбиянинг ўзига хос метод ва усуллари мавжуд. Бироқ фаннинг хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, она тили дарсларида бу усул ва методларнинг фақат айримларидан фойдаланиш мумкин холос. Масалан, тарбиявий мавзуда

она тили ҳақида бериладиган маълумот; иккинчидан, она тилини ўрганишга оид дидактик материаллар, яъни дарсликдаги машқлар, гап тузиш учун берилган таянч сўзлар, матнлар, диққат ва баёнлар, шунингдек, иншо мавзулари.

Турли мавзу ва мазмундаги дидактик материаллар ўқувчиларда Ватанга, она табиатга муҳаббат, қаҳрамонликка ҳурмат, Ватан ҳимояси учун ҳамиша ҳозир бўлиш туйғуларини шакллантириб, улар руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Ватанпарварлик мавзусида матн яратиш, иншо учун материал тўплаш (мавзуга оид луғат тузиш, шу мавзуда бадиий публицистик матн танлаш, меҳнат фахрийларидан таассуротлар ёзиб олиш ва ҳ.) ишлари ҳам тарбиявий мазмунга эгадир.

Она тили машғулотида қўлланадиган айрим иш турлари ҳам ўқувчиларда Ватан туйғусини шакллантиришга хизмат қилади. Жумладан, **ижтимоий-сиёсий сўзлар маъносини шарҳлаш, ватанпарварлик мавзусида гап ёки 3-4 жумлани матн туздириш; баён ва иншо ёздириш. Гап ёки матн туздиришда, биринчидан мавзунини аниқ белгилаб олиш, иккинчидан гап тузишда фойдаланиш учун таянч сўзлар бериш ёки жавоб бериш талаб қилинадиган саволлар кўйиш мақсадага мувофиқдир.**

Албатта, ватан туйғусини акс эттирувчи сўз, гап, матн билан ишлаш она тили таълими олдида турган барча тарбиявий вазифаларни бажара олмайди. Дарс жараёнида амалга ошириладиган тарбиявий ишлар мактабда ташкил

Кўпчилик қалам аҳли ёз фаслини асосан ҳордиқ чиқариш, сақкин ҳаволи, муздай сувли тоғу тошда ўтказиш керак бўлган мавсум сифатида билади. Табиийки, бундай қараш ижодкорликда ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бироз ижоддан чекиниб, турли ташбеҳу истиоралар излайвериб огриган бошни “шамоллатиш” пайдан бўлиб қолади. Аммо аксарият газетхонлар айнан ёз мавсумида ўқишли материалларни кўпроқ соғинади, кўпроқ кутади. Боиси, оромгоҳлардаги сўриларга майин тоғ шаббодаси оғушида ёнбошлаб олиб, газета мутолаа қилиш одамга сурур бағишлайди.

кулай, афзал ва самарали” (6 июнь) суҳбати муносиб кўрилди.

Истеъдодли ёш фотомухбир **Темур Мамадаминов** ўзининг “Амалиёт мазмунли ўтди” (31 июль) туркумидаги ижодий “чизги”лари билан фаслнинг “**Жозибали сурат**” номинацияси голиби бўлди. Унда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг ар-

қаламига мансуб “Болажон, нега сени ураман?” (6 июнь) ҳикоясини ўзбек тилига аслиятдан таржима қилган **Фароғат Жабборова** ортада қолган мавсумнинг “**Энг сара таржима материали**” номинацияси голибасига айланди. Ҳикоя таржимаси содда гаплардан иборат бўлгани учун равон ўқилади, тез тушуни-

САРАТОННИ

Faslning eng yaxshi ijodkorlari

Азиз газетхонлар! Севимли газетангизнинг жамоаси ўз анъанасига содиқ қолган тарзда ёз фаслида ҳам тиним билмай — ёзган мақоласи, суҳбати, очеркию таржималари илҳоми бағишлаган оромдан роҳат топган муаллифларнинг энг сара асарларини аниқлаб, ҳукмингизга ҳавола қилишга қарор қилди.

Халқимизнинг бола тарбияси билан боғлиқ билимининг бойлиги, тафаккурининг кенглиги тарих фанлари доктори, профессор **Абдухалил Маврулов**нинг қаламига мансуб “**Боланинг бегонаси бўлмайди**” (24 июль) мақоласида яққол акс этган, дея баҳоланди. Баркамол авлод тарбияси ўта мураккаб ва асрлар давомида инсоният томонидан унинг ижобий инъикосига интилиб келингани сир эмас. Жорий йилнинг “Баркамол авлод йили” дея номланишида бу азалий орзу билан ўзига хос ҳамоҳанглик бор. Мақолада айрим ёшларимизда учраётган турли ғарбона таъсирлар билан бевосита боғлиқ қусурларнинг бартараф этилиши, ота-боболаримиз, момоларимиз томонидан илгари сурилган комил инсон ғояси сари чалғимай қадам ташлаш фикри устуворлик қилганлиги учун ҳам мазкур ижод намунаси фаслнинг “**Энг яхши мақоласи**” номинациясига лойиқ кўрилди.

Алломаю буюк олимларнинг шуурига ҳам илму урфон нурлари илк дафъа муаллимларнинг мунир дарслари, дилбар сабоқлари орқали кирган. Ана шундай кашфиётларга қодир ноёб дарслар орасидан энг сараларини газетамиз саҳифаларида чоп этиб боришимиздан хабардорсиз. “**Оригинал бир соатлик дарс**” номинациясининг ёз мавсумидаги голибаси Зангиота туманидаги 25-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси **Гулбахор Саримсоқова** бўлди. Унинг 4-синф ўқувчиларининг “Одобнома” ўқув фани учун ёзган “**Миллий мерос нима?**” (25 август) сарлавҳали бир соатлик дарс ишланмаси газетхонлар ҳамда тахририят томонидан юқори баҳоланди.

Ҳар бир ишнинг, санъат асарининг моҳиятини теран мазмун ва мантиқий изчилликка мутаносиб бўлган юксак савия ташкил этади. Ўз фикри ва қарашларида собит туриб, позициясини ҳар тарафлама ҳимоя қила олган инсонни ҳамма ҳурмат қилади. Жумладан, оммавий ахборот воситаларида ҳам шундай. Одатда энг кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган “**Сермазмун са-**

ЖИЗДИРГАН СУРУР

хифа” номинациясининг бу галги голиблари газетамизга ўзгача кайфият ва ранг олиб кирган “**Таълим-тарбия — истиқлол кўзгусида**” умумсарлавҳаси остида бериб борилган изланишлар сабабчилари: Хулкар Тўйманова, Бахтиёр Ёқубов, Ойбуви Очилова, Санжар Рустамов ва Голиб Бахромовдир. Улар ҳар бир сонда узвийликни сақлаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида истиқлол йилларида таълим, болалар спорти ва бошқа соҳаларда амалга оширилган улкан ислохотларнинг тадрижий ривожига ҳамда қиёсий таҳлилини фактлар, далиллар ва аниқ рақамларда жонлантиришга муваффақ бўлишди.

Бадиий публицистика — ўзига хос бир олам. Унинг ранг-баранг боғида ҳар қандай ижодкор ҳам бол тера билмайди. Шунинг учун эҳтимол кейинги йилларда очерк, эссе сингари жанрлар камроқ кўзга ташланаётгандир. **Ойбуви Очилованин**г навоийлик таниқли ўқитувчи, кўплаб шогирдларни тарбиялаб, элу юрт корига ярайдиган шахс бўлишига туртки берган **Кудрат Сафаров** ҳаёт йўлини ёритувчи “**Ваъда**” (21 июль) номли очерки “**Энг яхши очерк ёки эссе**” номинацияси голиби бўлди.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети умумий ва магнит ҳодисалари физикаси кафедраси мудири, профессор **О.Кувондиқов**нинг “**Замонавий фан ва технология ривожига магнетизмнинг ўрни**” (11, 14 август) сарлавҳали мақоласи “**Педагог-муаллифнинг долзарб материали**” номинациясида тенгсиз дея эътироф этилди. Олим ушбу мақоласи орқали мазкур ҳодисанинг бугунги давр учун нечоғлик катта аҳамияти бор эканлигини мисоллар, схемалар ёрдамида очиқ беришга эришган.

“**Қизиқарли интервью, суҳбат**” номинациясига журналист **Санжар Рустамов**нинг ўқув фанлари бўйича электрон дарслик ҳамда қўлланмаларнинг яратилиши ва амалиётга жорий этилиши юзасидан тегишли мутахассис билан уюштирган “**Электрон ахборот-таълим ресурслари:**

хитектура факультети 2-босқич талабаларининг ёзги амалиётни ўташ жараёнидан қизғин лавҳалар акс эттирилган.

Республика “Оила” илмий-амалий марказ аспиранти **Олимжон Севаров**нинг “**Тарбияда фаол учлик**” (25 август) номли мақоласи мавсумнинг “**Самарали методик материал**”и деб топилди. Унда униб-ўсиб келаётган болаларни тўғри йўлга солиш борасида диққатга сазовор фикрлар аниқ таклифлар асосида баён этилган.

“**Тарбияга оид амалий таклиф**” билдирилган материаллар орасида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методисти **Замира Азимбоев**нинг анъанавий август кенгашлари арафасида ота-оналарга қарата саволомуз оҳангда ёзган “**Сиз мажлисга бордингизми?**” (18 август) мақоласи юқори баҳоланди.

“**Воқеликка муносиб шарҳ**” номинациясида голиб чиққан **Наргиза Иброҳимованин**г “**Улкан адрон коллайдери борлигининг яралишига ойдинлик киритадими?**” (18 август) мақоласида дунёдаги энг йирик тажриба қурилмаларидан бирининг мақсади, энг сўнгги тажрибалар натижалари ва унга оид бошқа қизиқарли тафсилотлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Журналист **Бахтиёр Ёқубов**нинг 2010-2011 ўқув йили олтидан дарсликлар ижара тизими тўловларига оид ўзгаришлар билан боғлиқ “**Дарсликлар ижара тизимида янгилик**” (4 август) номли мақоласи ёз фаслидаги “**Ўзига хос янгилик**” дея белгиланди.

Тахририятда ёш ижодкорларни, айниқса, истеъдодли талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижодий фаолликка ундаш анъанага айланган. “**Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши**” номинациясида голиб чиққан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси **Зилола Худойбердиев**нинг “**Багрикенг юртда бола ўқисмайди**” (25 август) материалида Китоб туманидаги 5-мехрибонлик уйида тарбияланаётган болажонларнинг жўшқин ҳаёти акс этган. Хитойлик адиб Шу Мин Би

лади ҳамда таъсир этади.

“**Мазмунли таълимий бошқотирма**” номинацияси газетхонлар орасида алоҳида эътирофга сазовор бўлган, десак, янглишмаган бўламиз. Турли бошқотирмалар устаси, таниқли **Фозилжон Орипов**нинг жорий йилда Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўтган мундиал арафасида ижод қилган “**Жаҳон футбол**” айланма бошқотирмаси (19 июнь) ана шу номинацияда биринчи бўлди.

Талаба **Шоҳсанам Ниёзованин**г бироз олдин С.Жумановнинг “Ma'rifat”да эълон қилинган “Исм — инсон хусни” мақоласига ёзган “**Сардорми, Сарими?**” (17 июль) сарлавҳали материали “**Ҳозиржавоб муштарий**” номинациясига лойиқ топилди. Унда халқимиз ўз фарзандларига атаб қўйган исмлар ва уларнинг бузилган, чала-чулпа ҳолда айтилаётгани борасида мулоҳаза юритилган.

Жорий йилда Андижон шаҳрида талаба-спортчиларнинг анъанавий “Универсиада” мусобақалари бўлиб ўтди. Нурлан Усмонов, Зоҳиджон Холов ва Орифжон Сиддиқовнинг мамлакатимиз миқёсидаги ана шу улкан воқелик якунларига бағишланган “**Хуш қол, Андижон, салом, Бухоро!**” (2 июнь) номли материали фаслнинг “**Энг яхши репортаж**”и бўлди.

Мана, кунлар бир-бирини қувлаб, кузга ҳам етиб олдиқ. Фурсатдан фойдаланиб, саратонни қиздирган сурур ижодкорлари — мавсум голибларини табриклаймиз. Табиийки, тахририятимиз кузда ҳам фаслнинг энг яхши ижодкорларини аниқлаб, уларни муносиб рағбатлантиришни режалаштириб қўйган.

Шундай экан, азиз қалам-кашлар, устозлар, кадрдон талабалар, 2010 йилнинг энг сўнгги мавсумида голиб чиқиб, Янги йилни янада яхшироқ кайфиятда кутиб олишни истасангиз, қаламингизни маҳкам тутиб, жўшқин илҳом оғушида қоғоз қораланг ва бизга етказинг. Албатта, бу сафар марра сизники бўлади.

ТАХРИРИЯТ

Сайхатнома — адабиётнинг энг кўхна жанрларидан. Иби Баттута, Марко Поло, Абдураззоқ Самарқандий, Махмуд-хўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Муқимий каби улуг зотларнинг бу жанрдаги асарлари машхур. Мустақиллик йилларига келиб эса, ҳамма соҳаларда бўлганидек, сайхатнома жанрида ҳам ўзгаришлар, янгиланишлар юз бермоқда. Ҳозир ёзилган сайхатномаларда хоризжда таълим олиб қайтаётган ёшларнинг ҳиссалари сезиларли. Улар чет эл олий ўқув юрталарида таълим олиш билан бирга, ўша мамлакатлар халқлари ҳаёти билан танишиб, шаҳару қишлоқларини кезиб, ўз таассуротларини ранг-баранг усулларда ифодалашга интилоқдалар. Масалан, 2009 йили «Ma'rifat» газетасида эълон қилинган Фароғат Жабборовнинг «Лан-жоуда ўтган кунларим» асари воқеий ҳикоялар тарзида яратилган. Бугун биз Сиз — азиз газетхонга тақдим этган Рахшона Тошпўлатованинг «Тонги тароват» мамлакатига» деб номланган асари эса, очерк-эссе шаклида битилган.

Biz dunyoni tanimoqdamiz

Рахшонанинг номи сизга яхши таниш. У бир йил мобайнида Кореянинг Пусан шаҳридаги Пусан чет тиллари университети адабиёт факультетида таҳсил олди; ўқиб да-вомида корейс тилини пухта ўрганишга интилди; мамлакатнинг машхур «Пусан ил-бо» («Пусан янгиллари») газетасида, университетнинг «То пуру» («Ҳамжиҳатлик-да») журналида корейс тилида ёзган мақолалари босилди. Юртимизга қайтгач, ис-теъдодли талабанинг «Ma'rifat» газетасида корейс адабиси Ҳанбия қаламига мансуб «Дунёни уч ярим марта яёв кезганда...» сайхатномасидан қилган таржималари бо-силлиб чиқди.

Рахшона шу йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини битирди. Ҳозир у «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигида ишламоқда.

Биз умидли ёш ҳамкасбимизга янги-янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Махмуд САЪДИЙ

Корея жуда қадимда Чосон дея аталган, маъноси «тонги тароват» дир. Агар корейликни тўхтатиб, «Нега шунақа?» деб сўрасангиз, у сизга бир афсонани сўзлаб беради.

Эмишки, узоқ ўтмишда Хван Ин номли осмон ҳукмдори яшаган экан. Унинг Хван Унг исмли ўғли бўлган экан. Аммо Хван Унг осмон мамлакатидан кўра ерни афзал билибди. Хван Ин ўғлининг хоҳишига қаршилик қилмай ерда яшашга рухсат берибди ва унга зарур ёмғир, булут, шамол ҳамда уч минглик халқни қўшиб жўнатибди. Заминга тушган Хван Унг Пекдусан (Пекду тоғи)да фуқаролари билан яшай бошлабди.

Бу пайтда Хван Унг макон тутган жойдан сал нарида Шерхон ва Айиқ яшар эканлар. Уларнинг ягона орзуси — «одам бўлиш» экан. Улар осмондан тушган Хван Унг ҳақида эшитиб, унинг қошига чопқиллаб келишибди ва «Бизни одамга айлан-тир» дея ёлворибди.

Илтижоларини эшитиб турган Хван Унг Шерхон ва Айиқ қўлига бир боғлам кўкат, тўрт дона саримсоқ тутқазиб уларга шундай дебди:

— Ҳор ичига кириб, юз кун қуёш юзини кўрмасдан шуларни-гина еб, яшаб кўринглар-чи...

Айиқ билан Шерхон бир боғлам кўкат, тўрт дона саримсоқни олиб, зим-зиё ғор ичига кириб кетишибди. Шерхон қорни очиб, ухлаёлмаганидан бир неча кун ўтгач, ғордан қочиб чиқибди. Айиқ эса, юз кундан сўнг гўзал қизга айланбди.

Хван Унг уни севиб қолибди ва улар турмуш қурибдилар. Ерда туғилган биринчи чақалоққа «Тан Гун» деб исм қўйишибди. Гўдак чоғидан зийрак бўлиб ўсган Тан Гун яшаш учун қулай жой излаб Пекду тоғи ёнбағридаги адирларни ўзлаштирибди ва макони худудини кенгайтириб, катта давлат тузибди. Бу давлатга «Чосон» — Тонги тароват деб ном берибдилар.

Кореяни тоғлар мамлақати, деса ҳам бўлади. Тоғлар оша қуёш мўралаган пайт борлиқ ўзгача рангга киради, тонги шудринг сингиб кетадиган ҳавосидан танангиз яйрайди. Денгизнинг тиниқ сувига боқиб вужудингизни тонги тароват чулғаб олади.

Бу ғаройиб юртда бир йил яшадим. Кўп вақтим сувлари соҳилига ҳаприқиб чопган денгиз бўйида ўтди. Денгиз университет ётоқ-хонасидан унча узоқда эмас. Туңда денгизнинг шовуллаши-ю, балиқчи қушларнинг саҳаркез қийқиригича эшитилиб турарди.

Ўзга бир юрт, барибир, сирли бўлиб туюлади. Таассуротларим бир олам, сизларга ҳам гапириб бергим келди...

номли банкларнинг пластик карточкалари учун банкомат, дорихона, ошхона ва супермаркет каби мажмуалар бор. Пулимизни Корея пул бирлиги — вонга алишиб автобусга билет олдик.

Автобус йўлда

Автобуслар икки хил номланар экан: илбан (умумий) ва косок (экспресс). Илбан автобус билети нархи — 30000 вон, косок эса 50000 вон. Сўрагандим: Пусан шаҳригача иккиси ҳам олти соатда боради, ўн беш кишилик. Лекин илбан ҳар икки соатда, косок ҳар соатда юришини айтишди, шошилаётганлар учун қулай экан. Бундан ташқари, Инчондан Сеул шаҳригача метро йўналиши бор. Сеулдан Пусанга поездда кетиш ҳам мумкин, билет нархи

Хайрлашув

Самолёт олдинга қаттиқ силкинди-ю, осмонга кўтарила бошлади. Хаёлан аям-дадам билан биргаман. Улар мени кузатиб туришибди, биланман, самолётнинг қораси кўринмай қол-гунигача аэропортдан нари жилишмайди...

Тошкентга шошилаётган куним негадир осмон булут, хўмрайиб олганди. Таксига юкларни жойлаб, опаларим билан хайрлашаётган пайт ёмғир томчилла бошлади. Такси олди ўриндиғига дадам, орқада аям, мен ва холам ўтирдик. Қишлоқдан чиқиб улгурмагандик ҳамки, ёмғир қуйиб берса бўладими. Бир пасда йўллар шалаббо, то довонга етгунимизгача ёғди.

— Ҳали куз келгани йўқ-ку! Мунча ёмғир эзмаса, — деди холам машина ойнасини юваётган томчиларга паришон боқиб.

Юкларни аравага жойлаб аэропорт ичкарасига кириб кетаётган вақт ойим билан узоқ хайрлашдик. Қўйиб юборгилари келмайди, ўзим ҳам нари жилгим йўқ.

— Ўзи Кореяга бориб ўқиб келиш жа-а зарилмиди, — деди дадам бизга пича қараб туриб...

Ойим оз-моз йиғи қилиб олдилар. Назорат постидан ўтиб, аэропорт ичиде махсус автобусга, ундан самолётга кўтарилишга телефонда гаплашиб турдик.

Кейин алоқа узилди: ту-ут-ту-ут-ту-ут...

Самолётда

Самолёт салони кенг. Олдинги қаторга қашқадарлик Яйра билан навойлик Мақсуд ўтирди.

Бир пайт спонсордесса қиз Мақсуднинг тепасига келиб корейс тилида ҳол-аҳвол сўради.

— Яхши, — деди Мақсуд хайрон бўлиб.

«Улар бир-бирини танишаркан-да!», деб ўйладим. Яна озгина вақт ўтиб қиз қайтиб келди. У Мақсудга ўриндиқ орқасидаги тугмачаларга тегмасликни илтимос қилди. Мен ҳам тушундим.

Университетимиз билан Пусан чет тиллари университети ўртасидаги шартномага асосан ҳар йили Ўзбекистондан учта, Кореядан тўртта талаба алмашинади. Талабалар ётоқхонасида яшаб бир йил бепул таълим оламиз. Хоҳишимизга қараб, корейс тилидан бошқа тилларни ҳам ўрганишимиз ёки қўшимча фан танлашимиз мумкин.


Самолёт илломинаторидан ташқарига қарайман. Ҳар ёнда оппоқ булутлар сузиб юрибди, тобора қуёшга яқинлашаётгандекмиз. Ёнимдаги аёл пардани суриб қўйди-ю, бари кўринмай қолди...

Ухлаб турдик, ҳамон осмондамиз. Спонсордесса қизлар мулсуғон(сувга пишиланган рўмолча) тарқатишди. Қўлимиз-

“ТОНГИ ТАРОВАТ”

МАМЛАКАТИДА

ЙЎЛ ТААССУРОТЛАРИ



ҳужжат беришди. Бу вақтинчалик Корея паспорти экан.

Умумий залга кирдик. Самолёт юкхонасидан чиқиб келадиган электр столда юкларимиз айланиб ётарди. Бизники эканини текшириб, араваларга жойладик. Аэропорт эшигида яна бир назорат пости бор эди. Биринчи бўлиб Яйра билан Мақсуд ўтиб ташқарига чиқиб кетишди. Мен энди ўтмоқчи бўлгандим назоратчи амаки бошқа томонни кўрсатиб шу ёққа боришим кераклигини тушунтирди. Юкларим устида дугонам олиб келган сариқ қовун турарди. Ҳа, тушундим...

ни артдик, таом беришди. Ёнимдаги аёл тамадди қилмади, ҳамма гирдика-палак бўлиб қолди. Ўгирилиб юзига яхшироқ қарадим. Аллақайси корейс сериалидаги актриса қизга ўхшаб кетарди...

Ниҳоят, камарларни тақиб олишимизни айтишди, пастлай бошладик. Самолёт қаттиқ силкинди-ю, ерга қўнди.

Бу ер халқаро Инчон аэропорти. Дераза юзидан парда тортилди: ташқарида тонг, қуёш ҳали кўтарилгани йўқ...

Ҳамма самолёт эшиги томон ошиқди. Елкамда йўлхалта, унда онам ёпиб берган ёғли патир бор. Кореяда ўқиган дугонамдан сўрагандим:

— Кореяда нон ундан эмас, гуручдан қилинади, ёпишқоқ, таъми ҳам бошқача. Бошқа юртдан келганларнинг кўпи ўрганолмайди, — дея, ваҳима қилганди у. Ойимга айтгандим, нон пишириб бера қолдилар. «Қийналиб юрасанми, ўрганиб олгунингча етиб турар», деб...

Халқаро Инчон аэропорти

Самолётдан чиқиб аэропортга суланган йўлакча орқали юрдик. Йўлак доирасимон, деворлари ойнаванд, ташқари аниқ кўриниб турарди: бизни олиб келган «Asiana» самолёти ёнида яна бир нечаси сафга тизилган...

Назорат пости юкларимизни камера текширувидан ўтказгач, паспортимиздаги виза устига муҳр босилди. Қўлимизга паспорт ҳажмидаги икки томони ҳам силлик, кичкина қалин картон, юза қисмига «Вигуго тингрок пўн» деб ёзилган

— 50000 вон. Ёки Инчон аэропортидан самолётга чиқинг, нархи 80000 вон, холос. Роса иккиландик — автобусга чиқа қоламиз: ҳам арзон, ҳам қулай...

Аэропортдан чиқаверишдаги автобус тўхташ жойида ҳар соатда Кореянинг барча шаҳарларига автобус бўларкан. Бир чеккада «Инчон-Кёнгжу», «Инчон-Квангжу», «Инчон-Тегу», «Инчон-Тэжон» автобуслари турарди. Пешонасига «Инчон-Пусан» деб ёзилган илбан автобуси кўзғалиб, бекатда тўхтади. Автобус юкхонасига йўлхалта ва чамадонларни жойлаб кўтарилаётганимизда ҳайдовчи амаки билетимиз ярмини йиртиб қолди. Ўн уч чоғли киши бўлдик. Одам кутиб узоқ турмай, автобус йўлга чиқди.

Университетимиз Пусан шаҳрида жойлашган. Пусан Кореянинг Сеулдан кейинги иккинчи ўринда турадиган энг катта шаҳри. Табиати гўзал, тоғли ва денгиз бўйида бўлгани учун Япония, Хитой каби кўп мамлакатлар билан олди-сотди қиладиган катта кема портлари бор. Денгиз, унинг чиройли манзараси сабаб корейс кинофильмлари ҳам кўпинча шу шаҳарда суратга олинади. Инчон шаҳридан Пусанга пойтахт шаҳар — Сеул орқали борилади.

Инчоннинг текис, кенг йўллари Сеул кўчаларига уланиб кетади.

Сеул улкан шаҳар, ҳар ён осмонлар бинолар, қадамда «чиҳа чоул» (метро) белгиси, катта-катта реклама плакатлари, саришта кўчалар, гипер- ва супер-маркетлар, «Хонда», «Девоу», «Хондаи», «Прадо» машиналари, «Самсунг» каби ёзувлар... Симёғочларнинг қўл етадиган жойигача «мугунгхва» деб номланувчи корейс миллий гули билан безатилган. Йўлнинг икки четида тувакларда ҳам оқ, сариқ, қизил мугунгхвалар чаман эди, то шаҳар тугаб кенг далалар бошлангунигача шу манзара давом этди. Бироқ Сеулда дарахтлар оз экан.

Шаҳардан чиқдик, йўл янада кенгайди. Автобус бир текисда олиб борар, бир ён тоғлик, ўрмонзор, бошқа томон — далалар... Ҳар-ҳар ерда қўлини беллиги тираган похол шляпали дехқонлар, томлари корейс миллий услубида ёпилган уйлар, чайла ва сув босган шולי майдонлари кўзга чалиниб қоладди...

Тамаддихона

Дугонам ухлаб қолди, менда эса ўйку йўқ. Кеча киноларда кўриб, келиш орзуим бўлган ўша мамлакат! Хаяжоним ҳали ҳам тарқамаган, юрак уришим эшитиларди гўё. Қўлим билан билет гижимини тахлаб, йўл-йўлакай атрофни томоша қилиб борардим.

Чамаси уч соатлик йўлдан сўнг автобус ўнгга қайрилиб, бир майдончада тўхтади. Ҳайдовчи микрофонда нима-лардир деди. Университетда корейс тилини яхши ўрганиб, эшитиш имтиҳонидан ҳам ўтганмиз, лекин амакининг гапларини тушунмадик. Сўзларни ғалати талаффуз қилар, баъзи сўзлар нотанишдек туюларди. Ҳамма тушиб кетди, ортларидан эргашдик. Тамаддихоналарни кўриб тушлик учун тўхтаганимизни билдик.

Дўконча ва ёнма-ён жойлашган тамаддихоналардан овқат иси тарқаларди. Оқ-қизил фартук тутган ажумма(хола)-ларнинг қўли-қўлига тегмас, таомнома-сида товук ва чўчка гўшtidан тайёрланган ўзимизнинг шашлик, сомса, мантига ўхшаш таомлар, қовурилган картошка қаламчалари, маккажўхори каби ҳазми енгил таомлар, турли пишириқлар бор эди.

Энг яхсиси эканини мақтаб, ўтган-кетган йўловчига шангиллаётган ажумма бизни ҳам чақирди. Қорнимиз очиққан, «оденг» номли сувда пиширилайдиган чўпли бир таом олдик. Асли номи «омук» бўлиб, «оденг» номи Япония мустамлакаси давридан қолган экан. Денгиз маҳсулотларини ҳамир билан қориб тайёрланаркан, таъми бошқача эди.

Корейс таомлари аччиқ, ҳаммасига саримсоқ ёки қалампир қўшилган.

Бир четга ўтирдик. Стол-стуллар усти саришта, туриб кетаётганлар столда ортиқча нарса қолдирмасдилар.

Айтишларича, қадимда бу ерлар ямояшил майсазор бўлган. Икки ёнида икки қишлоқ. Куз кунларининг бирида бир киши қўшни қишлоққа тўйга боради ва унга яхши кўрган ити ҳамроҳлик қилади. Байрамда ичиб маст бўлади, қайтишда шу майсазорда тўхтайдилар. Хўжайинни уйку элитади, қаердандир олов чиқиб улар ётган томонга қараб кела бошлайди. Ит дарё соҳилига югуради, дарёга тушиб сувга бўқади. Шалаббо, сувга бўккан танаси билан оловни ўчиради, бироқ ўзи куйиб ўлади. Уйқудан уйғонган хўжайин йиғлайди. Итни шу ерга кўмади. Бу итнинг овози икки қишлоққа тарқайди. Баҳор келиб бу ердан бир дарахт ўсиб чиқади. У дарахтни итнинг исми билан «Осу» деб аташади. Йиллар ўтиб бу ерда ўтган-кетган йўловчилар тўхтайдиган бир қишлоқ пайдо бўлади...

Автобус бизни кутди

Яна ул-бул олиб бозорчалар орқасига ўтдик. Дарё мавжланиб оқар, дарё бўйида дарахтлар кокиллари сувда юшиб тургандек... Йўловчилар қирғоқда сайр этишарди. Кимдир дарёга қармоқ ташлаган, кимдир кема-қайиқларда сафарга отланган. Атрофни расмга олиб, қирғоққа яқин бормоқчи бўлдим. Яйра кетишимиз кераклигини эслатди.

Қанча вақт ўтди, билмайман, қайтаётганимизда кимдир чақиргандек бўлди. Ўгирилдик, Ҳайдовчи ажоши (амаки) бақира бошлади, хуноби ошган, нима-лардир деб жавварди. Автобусга кўтарилдик, йўловчилар ҳам ёмон қараш қилар, биз эса ҳайрон эдик.

Бизнинг чет эллик эканимизни кўриб орқа ўриндиқдаги меҳрибон бир ажумма тушунтирди: тушаётганимизда Ҳайдовчи айланиб келишимиз учун ўттиз минут берилганини эълон қилган, биз салкам бир соат ўтиб, қайтибмиз. Автобус тўла одам кутаётган экан. Энг ёмони, узр ҳам сўрамабмиз.


Ҳайдовчи бизни роса қидирган, хотираси яхши экан... У эслаб қолмаганида автобусимизни топишимиз маҳол эди. Чунки қайтиб келганимизда транспорт тўхташ жойи автобусларга тўла, «Инчон-Пусан» автобуси нақ тўртта эди...

Ҳайдовчи амакидан хафа бўлмадик, «бор-э» деб кетиб қолса нима бўларди!

(Давоми бор.)

САМОГА САЁҲАТ УЮШТИРИЛАДИ

«Боинг» компанияси «Спэйс эдвенчерс» («Space Adventures») фирмаси билан сайёҳлар учун космик сайрларни ташкил этиш борасида келишув имзолаганини маълум қилди. Бу яқин келажакда АҚШнинг «Спэйс эдвенчерс» («Самовий саёҳатлар») фирмаси томонидан янги «Боинг Крю Спэйс Транспортейшн-10» самолётида самога парвозлар учун чипталар сотилиши бошланади, дегани. Бу ҳақда АП маълум қилди.



Таъкидлаш зарурки, мазкур самовий кема Халқаро космик станцияга парвозлар амалга ошириш ва келажакда ташкил этилажак янги хусусий самовий станциялар билан туташиб мақсадида яратилган. Самовий рейсларга чипталар жисмоний шахслар, индивидуал компаниялар ва НАСА каби бошқа илмий тадқиқотчилик агентликларига ҳам сотилиши йўлга қўйилади.

— Бизнинг сайёҳаракатларимиз замирида ҳозирда фақат астронавтар томонидан амалга оширилаётган самовий парвоз иштирокчилари сонини кенгайтириш мақсади ётади, — дейди «Боинг» компаниясининг Самони ўзлаштириш бўлими бошлиғи Брюстер Шоу. — Бугун Ер юзиде истиқомат қилаётган 7 миллиард инсондан атиги 500 нафарга яқини орбитада бўлган. Ниятимиз, самога учини истаган инсонларга бу борада имконият яратиш.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, шу кунга қадар «Спэйс эдвенчерс» Халқаро космик станциясига 7 нафар инсоннинг саёҳатини ташкил этишга муваффақ бўлган. Ушбу парвозларнинг энг сўнггиси ўтган йили октябрда амалга оширилган. Ўшанда самовий сайёҳ сифатида канадалик Ги Лалиберте ХКСга парвоз қилган. «Боинг» компанияси томонидан ишлаб чиқилган янги космик аппарат бир пайтнинг ўзиде ўз бортида 7 нафар сайёҳни ташиш имконига эга. Космик кемада орбитага парвозлар узоғи билан 2015 йилда ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

НООДАТИЙ ҲАМЁН

Океанортилик тадқиқотчилар янги технологияларга асосланган ҳолда ўзига хос турдаги кармонни ишлаб чиқди. Аниқроғи, улар томонидан биометрик ҳамён яратилди. Янада соддароқ айтадиган бўлсак, янги «пұл халтаси» унинг эгаси бармоқлари излари текширувдан сўнггина очилади. Бу ҳақда «Технологичес» манбасида маълум қилинди.

Эйтиборлиси, ғайриоддий ҳамённи эгаси яна блутуз (Bluetooth) ускунаси орқали телефонга улаб, ундан неча метр масофа узокликда турганини ҳам осонликча билиб олиши мумкин. Агар телефон ва кармон ўртасидаги масофа 6 метрдан ошса, у ҳолда автоматик равишда огоҳлантириш сигнали ишга тушади.

Ҳамён АҚШнинг «Ай-Воулет» («iWallet») фирмаси томонидан ишлаб чиқилган ва худди шу ном билан сотувга чиқарилиш арафасида. Буюм енгил углеродли тўқима ва шиша толасидан тайёрланган. Харидорларга янги турдаги ҳамённинг беш хил — қора, пушти, яшил, оқ ва сариқ ранглардаги моделлари таклиф этилиши кутилмоқда.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Улуғбек шаҳарчасида жойлашган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

1. Қурилиш-таъмирлаш хизмат кўрсатиш бошқармаси маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит нархи ошиши муносабати билан 2010 йил 1 сентябрдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиэ 17730 сўм/Гкал микдориде ва ҚҚС билан 21276 сўм/Гкал микдориде белгиланди.

Улуғбек шаҳарчаси аҳолиси диққатига!

2. КТХКБ «Улуғбек шаҳарчаси» аҳолиси эйтиборига шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит нархи ошиши муносабати билан 2010 йил 1 сентябрдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф нархлар белгиланади:
 — марказий иситиш — 378,80 сўм/м²/ой(турар жой майдони);
 — иссиқ сув таъминоти;
 — ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 3129,68 сўм/киши/ой;
 — ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда — 952,10 сўм/м³.

Вниманию руководителей предприятий и организаций, расположенных в поселке Улуғбек Мирзо-Улуғбекского района города Ташкента!

1. Ремонтно-строительное эксплуатационное управление п.Улуғбек сообщает, что в связи с повышением стоимости энергоносителей с 1 сентября 2010 года для предприятий и организаций тарифы на тепловую энергию устанавливаются в размере 17730 сум./Гкал без НДС.


Вниманию населения поселка Улуғбек!

2. РСЭУ доводит до внимания населения поселка Улуғбек, что в связи с повышением стоимости энергоносителей с 1 сентября 2010 года устанавливаются следующие тарифы (стоимость) за тепловую энергию и горячую воду:
 — центральное отопление — 378,8 сум/м² за месяц (жилая площадь);
 обеспечение горячей водой;
 — при отсутствии измерительных приборов — 3129,68 сум. (чел.) за месяц;
 — при наличии измерительных приборов — 952,10 сум./м³.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи жамоаси бош мутахассис Ботирбек Қаипбергеновга отаси
Тўлепберган ҚАЙИПБЕРГЕНОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЖИСМОНИЙ МАШҚ ВА ХОТИРА

Аниқланишича, жисмоний фаоллик болаларнинг ақлий ривожланишига биз тасаввур этгандан-да жиддий ижобий таъсир кўрсатар экан. Бошқача қилиб айтганда, фаол ўйинлар кичкинтойларнинг жисмоний ҳолатиғина эмас, балки хотираси ҳам анча яхшиланишига туртки бўлади. Мазкур хулосани Иллинойс университети (АҚШ) тадқиқотчилари тақдим этган бўлиб, мавзуга бағишланган мақола «Брэйвн Ресэрч» («Brain Research») журналида чоп этилди.



Жараёнда олимлар 9-10 яшар болаларнинг жисмоний тайёргарлик ҳолатини махсус машқлар бажартириш орқали текширишган. Аини пайтда уларнинг бош мияси магнит резонансли томографиядан ўтказилган. Натижада, жисмонан ривожланган болалар организмида уларнинг нимжон тенгдошларига нисбатан кислород самаралироқ сарфланиши аниқланди. Магнит резонансли томография бўлса, жисмоний тайёргарлиги яхши иштирокчиларнинг гиппокампи (бош миянинг хотира учун масъул қисми) бошқаларга нисбатан 12 фоизга катта экани маълум бўлди. Қолаверса, соғлом болалар қолганларга қараганда хотирани синаш тестлари бўйича юқори натижа кўрсатишган. Кейинги чуқурроқ таҳлиллар эса гиппокамп ҳажми катта бўлса, бола турли ахборотларни ёдда сақлаб қолиш ва уларни жамлаш машқларини осонлик билан уddалашини кўрсатди. Шу тариқа, жисмоний фаолликнинг болалар мияси ривожига таъсири муҳим экани маълум бўлди.

БИОМУҲИТ «КУШАНДА»СИ

Буюк Британия сув ҳавзаларида пайдо бўлган чучук сувда яшовчи майда қисқичбақа унга нисбатан кичикроқ бошқа турдаги қисқичбақалар ва майда ҳашаротларни нобуд қилаётгани аниқланди. Бу ҳақда «Таймс» нашрида хабар берилди.

Ҳашаротларни ўрганувчи инсектолог олимларнинг сўзларига кўра, қисқичбақанинг ушбу янги тури бошқаларидан фарқи равишда йирик ва бақувват жағ қисмларига эга. Эйтиборлиси, бу жонзотлар ўз йўлида учраган ҳар қандай майда ҳашаротга ҳужум қилиб, ҳатто, озуқага муҳтож бўлмаган пайтда ҳам уни нобуд этиб кетаверар экан.

— Қисқачбақаларнинг оммавий равишда кўплаб ҳашаротларни йўқ қилиши улар билан озиқланадиган балиқлар учун катта зарар келтирмоқда, — дейди тадқиқотчилардан бири Алан Жеймс. — Энг қизиги, жонзотлар ҳаттоки, майда балиқларга ҳам ҳужум қилиб, қай бир яшаш муҳитига кириб бормасин, ўша ерда устун бўлишга интилаётгани кутатилди.

Умуман олганда, биология китобларига «Dikerogammarus villosus» номи билан киритилган мазкур ҳайвонлар аслида Шарқий Европа худуди, аниқроғи, Қора ва Каспий денгизларида яшайди. Буюк Британияда эса улар Кембрижшир графлигидаги Грэфхем-Уотер ҳавзасида топилган. Шундан сўнг балиқчилар бир неча қиоқичбақани Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига жўнатди ва уларнинг биологик тури қайд этилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бу тур Фарбий Европада 1990-йиллардан бери кенг тарқала бошлаган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунинг учун қисқичбақалар Дунай ва Рейн дарёлари бўйлаб салкам 4 минг километр масофа бўйлаб ҳаракатланган. Жараёнда улар қатор сув ҳавзаларининг экологияси ўзгариши ва бошқа биологик турларнинг йўқолишига сабаб бўлган.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

«Соғлом авлод учун» журнали тахририяти жамоаси Жамоатчилик кенгаши аъзоси — Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адиб **Тўлепберган ҚАЙИПБЕРГЕНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

So'z ko'rki

NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

О

O'z uyim — o'lan to'shagim. Muqobillari: "Isli uyim, rizqli uyim"; "O'z uyimning xushligi — oyoq-qo'limning bo'shligi"; "O'z yurtningning qadri o'zga yurtda bilinadi"; "Tuqqan yerga tug'ing tik"; "Yerim shu, go'rim shu"; "O'lsang o'l, vataningda bo'l". Mazkur maqol bilan: "Birovning uyida, yurtda yumshoq to'shakda o'tirganingdan ko'ra, tap-taqir o'lan to'shakda o'tirsang ham, o'z uying yaxshi", demoqchi bo'ladilar. Har kimga o'z uy-joyi, ona yurti, vatani naqadar qadr-qimmatli ekanligi ifodalanadi. "O'zga yurtning bog'i bilan boqchasi o'z yurtningning yantog'icha topilmas", deganda shoir Maxtumquli naqadar haq.

O'zingdan chiqqan baloga — qayga borasan davoga. Muqobillari: "O'zakdan chiqqan o't yomon, o'zingdan chiqqan yot yomon"; "O'zingniki o'zak-doningni qirqar"; "Yaxshi ota yomon bolaga qirg' yil oziq"; "Bir ota o'n o'g'ini boqa oladi, o'n o'g'il bitta otani boqa olmaydi". "O'zingdan chiqqan balo" — bu bola-chaqang, qarindosh-urug'ing, vatandosh, millatdoshing. U senga yov bo'lsa, dodingni kimga aytishni bilmaysan. Dushmani dushman, begonani begona deysan, o'z qavming senga dushman bo'lib chiqsa-chi?! Maqol shunday hollarda ishlatiladi. Odatda maqoldagi "balo" so'ziga javoban "dori-darmon" sifatida "davo" so'zi ishlatiladi. Ikkinchi holatda bu so'zga javoban "da'vo" so'zi ham qo'llaniladi, "o'zingdan chiqqan baloga — qayga borasan da'voga" deyilar.

O'zingga ehtiyot bo'l, qo'shningni o'g'ri tutma. Bu bilan odamlarga: "Har bir narsangni, avvalo, o'zing ehtiyot qil. Biror buyumingni yo'qotsang yo qo'ygan joyingni eslolmay, topolmasang, birovdan ko'rma. Bu tuhmat unga qattiq botadi. O'rtaq sovuqchilik tushib, yuz ko'rmas bo'lib ketish mumkin", degan o'g'itni beradilar.

Insonni ehtiyotkorlik, hushyorlik, bag'rikenglikka undovchi ogohlik maqoli.

O'tmas pichoq qo'l kesar. Bu to'g'ri ma'noda hayotda har bir ro'zg'orda ro'y berib turadi. O'tkirlangan pichoqdan ehtiyot bo'lib, o'tmas pichoqdan jarohat olasiz. Ko'chma, majoziy ma'nosida esa: "Kishi pisand qilmagan, nazariga ilmagan narsadan yoki kimsadan kutilmaganda ziyon-zahmat ko'radi, shikastlanadi" degan ma'noda ehtiyotkorlikka undab aytiladi. "O'tmas pichoq" iborasida nokas, nojins, nomukammal odam mazmuni ham bor.

O'xshatmasdan uchratmas. Kelin bilan kuyovning, qudalarning, ikki do'stning chehrachiroyi, dunyoqarashi, tabiati bir-biriga mos bo'lsa: "O'lloh chevar-da, qarang, kelin bilan kuyov quyib qo'ygandek bir-biriga o'xshaydi-ya", deya zavqlanadilar. Aksincha, nokas odamlar bir-biriga o'xshasa, "Ko'r ko'rni qorong'uda topibdi, o'xshatmasdan uchratmas-da" deyishib, ularga bo'lgan nafratlarini izhor etadilar.

Q

Qatorda noring bo'lsa, yuking yerda qolmaydi. Muqobili: "Qushni qanoti uchirar". Hayotda chin do'stlaring ko'p bo'lsa, yor-birodarlarining ko'magi, qo'llab-quvvatlashi bilan mushkuling oson bo'ladi, aslo xor-zor bo'lmaysan, degan ma'noda ishlatiladi. Haqiqatan ham, katta karvonda o'zingga tegishli sahro kemasiday nortuyang bo'lsa, yuking, mol-mulkung yerda qolmaydi, ko'zlangan manzilingga yetkaziladi.

Birlik, hamkorlik, do'st-yorni qadrlashga da'vat maqoli.

Mahmud SATTOR

(Davomi bor.)

Йигирма олти йилдан буён муаллимликдек шарафли касбидан бахту саодат топаётган Мухтор Абдуллаевни бугун Хоразм зиёкорлари орасида танимайдигани камдан-кам топилади, десак муболаға бўлмайди. Чиндан ҳам ўзининг фидокорона меҳнати ва шогирдлари эришаётган ютуқлар салмоғи билан эл эътиборига тушган кимё-биология фани ўқитувчиси доимо педагогиканинг ширин ташвишлари билан андармон.

Мухтор ака мактабда ўқиб



ни оширди, мустақамлаб борди. М.Абдуллаев Остона қишлоғида олти йил ишлагач, 1990 йили қишлоғига келиб, ўзи таҳсил олган, болалиги, ўқувчилик йиллари ўтган 9-мактабда ишини давом эттирди.

Муаллимнинг эътироф этишича, унинг ҳақиқий педагогик фаолияти айнан жонажон юртимиз мустақилликка эришгач, ўзининг қизгин палласига чиқди. У юксак ишонч ва қатъият билан ишга киришди, қоракўз болаларга бор билимини бе-

E'tirof

тер тўқди, чиндан ҳам устоз бўлиш учун астойдил интилди. Бир-бирдан билимдон шогирдлар тарбиялаб, уларнинг баландроқ парвоз қилиши учун замин ҳозирлади.

Мухтор ака мактабда ўқувчиларга илм бериб, ёшларга ҳаётнинг илк босқичларини кўрсатибгина қолмай, томорқасида ажойиб боғ яратишга ҳам улгур-

УНУТИЛМАГАН ВАЪДА

юрган кезлариёқ илмга, билим доирасини кенгайтиришга интилди. Синфдошлари орасида ўзининг тиришқоқлиги ва зуқолиги билан ажралиб турувчи бўла-жак муаллимнинг қалбида шу касбга илк иштиёқни география фани ўқитувчиси Султон Бобожонов ҳамда биология фани ўқитувчиси Курбонбой Ашуров уйғотган. Бу донишманд, инсонпарвар устозларига эргашиб М.Абдуллаев ҳам ўқитувчиликни танлади.

У 1984 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг кимё-биология факультетини тамомлаб, қишлоғига йўл олди. Аксарият

домлалар ундан шаҳарда қолишини сўрашди, бироқ у қишлоғи учун кераклигини, қолаверса, устозларига берган қатъий ваъдасини унутмади. Гавжум шаҳардаги илм масканида ўзи ёқтирган фаннинг нозик сир-асрорларини пухта ўзлаштирган муаллим дилининг туб-тубига тугиб қўйган мақсади — ўзи тугилиб ўсган қишлоғидан ҳам кимёгару биологларни кашф қилиш ниятида Янги-ариққа қайтди.

Ёш мутахассис Остона қишлоғидаги 27-мактабда фаолиятини бошлади. У ерда болаларни ўқитиш билан бирга педагогика бора-сидаги кўникма-тажрибаси-

ришга интилди. Ўз меҳнатидан, қилаётган ишидан завқ ола билувчи кишидан бахтлироқ одам бўлмаса керак. Мухтор ака ҳам ҳаётдан ҳикмат топишга уринди, топганларини асраб-авайлашга ўрганди.

Мухтор аканинг педагогика соҳасидаги жонкуярлиги, ҳаракатчанлиги инобатта олиниб, 1993 йили олий тоифали ўқитувчиликка муносиб топилди. Бу муаллим учун катта рағбат эди. Рағбат эса доим масъулият ва бурчдорлик юки билан мувозанат ҳосил қилади.

Шунча вақт ичида Мухтор ака устоз деган номга лойиқ бўлиш учун тинимсиз

гани таҳсинга сазовордир. У ишдан бўш вақтида худди ёш авлодни тарбиялашга ҳандек ниҳолларни ҳам авайлаб парваришлайди.

Дарвоқе, М.Абдуллаев беш нафар — бир ўғил ва тўрт қизининг падари бузруквори ҳамдир. Ҳозирда устознинг ўғли ҳам ёнига кириб, 9-мактабда ҳуқуқ фанидан ўқувчиларга таҳсил берапти. Хуллас, ҳалол меҳнати бугун ўзининг самарасини берапти. Зеро, асл ўқитувчи учун шогирдларининг эл қорига ярайдиган инсон бўлиб етишишдан кўра қувончли воқеа бўлма-са керак.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

СУЛОЛА САРДОРИ

"Бир соатлик илм бир кунлик тоат-ибодатдан, бир кунлик илм эса бир ҳафталик нафл рўзадан афзалдир", дейилади Ҳадиси шарифда. Олтмиш йиллик шу йўлдаги чекилган заҳматлар эса инсонга икки дунё саодатини бахшида этса, не ажаб.

Сирдарё туманидаги 7-умумтаълим мактаби директори, халқ таълими аълочилиги Миразим Йўлдошев ҳақида сўз кетса ана шу эътироф беихтиёр ёдга тушади. Бу йил М. Йўлдошевнинг мактаб остонасига муаллим сифатида қадам қўйганига 60 йил тўлди. Мана, ярим асрдан ошибдики, у киши мактаб директори вазифасида ишлаб келмоқда.

Доно халқимизнинг бола бошидан маълум, деган пурмаъно ҳикмати фавкулудда иқтидор соҳиби бўлган ёш Миразимга ҳам тегишли эди. У ўрта мактабни тамомлагач, бир муддат тумандаги 24-мактабда тарих фанидан сабоқ берди. Ундаги ғайрат-шижоат, та-

шаббускорликни раҳбарлар эртароқ кўра билдилар ва Миразим Йўлдошевни аввал 25-, кейинроқ эса 3-мактабга директор этиб тайинлашди. Ҳозир унинг 7-мактабни бошқариб келаётганига ҳам 30 йилдан ошди.

Жамоани руҳ билан тан каби таркиб топтириш учун елиб-югуриш керак. Жамоадаги ҳар бир инсон кўнглининг туб-тубига эзгулик

O'ramizdagi odamlar

уруғини қадашнинг ўзи бўладими? Мактаб жамоаси аҳил-иноқ, ҳамма ўз ишини ва умумманфаатни ўйлайди. Бу ердаги муваффақиятлар шунинг учун ҳам йилдан-йилга кўпайиб бораверади. Таълим мазмуни тобора янги маъно касб этиб, таълим самарадорлиги йилдан-йилга ўсиб бораётир. Мактабнинг туман ва вилоятдаги рейтинг юқори.


Устознинг шогирдлари Ўзбекистондагина эмас,

балки мамлакат ташқарисида ҳам тараққиёт учун, халқлар дўстлиги ва эл-юрт омонлиги, осойишталиги йўлида фидойилик намуналарини кўрсатмоқда. Миразим Йўлдошев ёш муаллимларнинг, илм-фан ва маърифат аҳлининг беғараз кўмақдоши, оқил маслаҳатгўйи, маҳалла-қўйда ҳам ёшу кексанинг эъзоз ва

эътирофига сазовор инсондир.

Ҳовлидаги боғини ора-лаб, умр йўлларида кўз ташлаган отахон фахрланса арзийдиган ҳаёт йўлини босиб ўтди. 60 йил муаллимлик нонини ейиш саодати ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бу ноннинг таъми бетакрор ва ширин.

У рафиқаси Замира ая билан биргаликда 11 нафар фарзандни камолга етказди, эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялади. 4



келинни ҳам қўшиб ҳисоблаганда бугун Йўлдошевлар хонадонида 12 нафар педагог ёшларга таълим-тарбия бермоқда.

Миразим ака мактаб дея аталмиш муҳташам даргоҳнинг шарафга лойиқ соҳибларидан биридир. Шунинг учун қаерга борманг, қаерда қараманг устоз қаршида инсонларнинг қўллари кўксига бўлиб, юзларида самимият ва меҳр балқиб туради.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

ТУГАНМАС ХАЗИНА СОҲИБИ

Шилдираб оқаётган анҳор ёқалаб бораркан, олтириқлик Ҳалим ота пахта даласига мамнунлик билан боқади. Туғилиб, камол топган Ватани тупроғини авайлабгина қўлига олиб, шукроналик келтиради. Ер тафтини ҳис қилиб, дилига ёруғ бир ниятни — олимлик орзусини тугади. Отаси Мадийр ака ҳам унинг бу орзуларига камарбаста эди. Ота бу оламни тарқ этди. Бу орада II Жаҳон уруши ҳам бошланиб қолди. Жангларда яраланган Ҳалим Жалиловни Ўзбекистонга қайтаришди. Ватан меҳри бошқача-да! Шунданми, тез орада барча касалликлардан фориг бўлган Ҳалим Марказий Фарғона чўллари ўзлаштириб, сув чиқариш ишлари бошчилик қилди. Олдинига ўрта мактабни, кейин Андижондаги қишлоқ хўжалиги техникумини, сўнгра қишлоқ хўжалиги институтини тамомлади. Ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам иқтисод фанлари доктори Ҳалим Жалилов 120дан ортиқ илмий рисола, мақола, монография муаллифидир. У кишининг илмий асарлари инглиз, рус, француз ва немис тилларига таржима қилиниб, Англия, Ҳиндистон, Мексика, Германия мамлакатларида чоп этилган. Ҳалим

Жалиловнинг қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт йўналишларига бағишланган китобларидан Республика-миз олий ва ўрта махсус, касб-хуна таълими муассасаларида дарслик ва қўлланма сифатида кенг фойдаланилмоқда.

Камтарин, самимий инсон, эл-юрт, касбдошлари ва шогирдлари меҳрини қозонган Ҳалим Жалилов умрининг охиригача Тошкент иқтисодиёт университетида талабаларга дарс бериб келди.

— Устозни биз шогирдлар «Тирик энциклопедия», «маънолар хазинаси» дер эдик, — дейди Ҳалим акани хотирлаб шогирдларидан бири, иқтисод фанлари доктори Абдулатиф Абдуганиев. — Негаки, у киши берган сабоқ битмас-туганмас хазинага ўхшайди. У хазинадан излаганинг сари билим кинини топаверасан.

Ҳалим Жалилов бугун орамизда йўқ. Бироқ унинг ёрқин хотираси яқинлари, шогирдлари қалбида бутун умр яшаб келмоқда.

Абдурашид НОРМУҲАМЕДОВ,
меҳнат фахрийси

Xotira

СПОРТДА КЎНГЛИ ЎКСИК БОЛА БЎЛМАЙДИ

— Ёшлигимда жуда нимжон бўлганман. Озгина ҳаракатлансам ёки оғирроқ нарса кўтарсам, белимда кучли оғрик сезардим, — дейди Қарши шаҳридаги «Мурувват уйи»да яшовчи Умид Муродов. — Кейинроқ спорт билан шуғуллана бошладим. Аввалига осон бўлгани йўқ. Аммо аста-секин ўзгаришларни сездим.

Шунда спорт соғлиқ гарови эканини тушунганман. Жисмоний нуқсоним бўлишига қарамасдан, ёшлигимдан ҳарбий бўлишни орзу қиламан. Шунинг учун ҳам соғлигимни тиклашга тинимсиз ҳаракат қилдим. Бугун ўтказилаётган Паралимпия ўйинларида иштирок этишим ҳам ана шу орзум йўлида ташлаган қадамларимдан бири эканига ишонаман. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги қошидаги «Мурувват уйлари»да истиқомат қилувчи

болалар ўртасида ҳар йили ўтказилаётган Паралимпия ўйинлари ана шундай ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш учун курашаётган болаларнинг орзуларига эшик бўлаётгани мусобақалар ўтиши жараёнида яққол кўзга ташланади. 2004 йилдан бошлаб анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мусобақа ўзининг ижобий натижаларга эга бўлаётганини рақамлар аниқ кўрсатиб турибди. Шу дастур доирасида 16 нафар бола тўлақонли ҳаётга қайтарилган бўлса, 38 нафар ётиб қолган ногирон болалар

ўзгалар ёрдамисиз юра бошлаган. Бундан ташқари, Тошкент шаҳар 1-ва 2-сон болалар «Мурувват уйи» тарбияланувчиларидан 30 нафарга яқини Россия, Бельгия, Туркия ва Канадада ўтказилган халқаро турнирларда муносиб иштирок этган.

Бу йилги VII Паралимпия ўйинларининг биринчи босқичи майиюнь ойларида ўтказилган бўлиб, уларда 300га яқин ногирон болалар иштирок этган. Имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касбхунар коллежида ўтказилган финал босқичига эса 72 нафар бола ётиб келди. Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган иштирокчилар 6 жамоани ташкил этди. Қатнашчилар спортнинг футбол, стол тенниси, тўп ташлаш, енгил атлетиканинг тўрт тури бўйича куч синашди.

Мусобақалар қизгин кечиб, барча болалар галаба учун бирдай курашишди. Якунда эса болаларнинг интилишлари муносиб баҳолашиб, Тошкент шаҳар 2-сон «Мурувват уйи» жамоаси биринчи ўринга лойиқ деб топилди, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий му-



ҳофаза қилиш вазирлиги томонидан совғалар билан тақдирланди. 2-ўринни эгаллаган андижонлик иштирокчилар эса Паралимпия ассоциацияси, 3-ўрин голиблари, яъни Тошкент шаҳар 1-сон ва Фарғона шаҳар «Мурувват уйи» жамоаларига эса Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси турли эсдалик совғаларини топширди. Бундан ташқари, «Ғалабага интилган жамоа», «Энг иқтидорли футбол жамоаси» ва «Энг ёш иштирокчи» номинациялари бўйича ҳам голиблар аниқланди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мусобақада иштирок этган ҳар бир болага спорт кийимлари совға қилинди. Бу иштирокчилардан ҳеч бири эътибордан четда қолмаганининг белгисидир.

Санобар
ЖАНГАБОВА.



«СЕВИНЧ» — ГОЛИБЛАР САФИДА

Қарши шаҳридаги Маданият ва спорт-соғломлаштириш марказида аёллар ўртасида мини-футбол (футзал) бўйича «Karshi Cup-2010» халқаро турнири бўлиб ўтди. Мусобақалар «Шўртаннефтгаз», «Шўртангаз Кимё» мажмуаси ҳомийлигида ва Ўзбекистон аёллар футбол ассоциацияси томонидан мамлакатимизда иккинчи маротаба ташкил этилди.

Бахсларда Россиянинг «Лагуна», Украинанинг «Ника», Япониянинг «Бардрал», БААнинг «Абу Даби», Ўзбекистондан «Севинч» ва «Шердор» жамоалари иштирок этди. Мурасасиз ўтган мусобақаларда «Лагуна» жамоаси турнирнинг энг юқори поғона-

сидан ўрин эгаллади. Қаршининг «Севинч» жамоаси иккинчи ўрин учун кечган бахсларда ғалабага эришган бўлса, «Бардрал» жамоаси учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Мусобақа якунида мамлакатимизга меҳмон сифатида ташриф буюрган

БАА аёллар футбол ассоциация президенти Амаль Шаҳах ва Япония жамоаси мураббийи, Украинанинг «Ника» аёллар футбол жамоаси президенти С.Ягодкин Ўзбекистондаги қабул ва «Karshi Cup-2010» халқаро турнирнинг юқори савияда ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг халқаро миқёсдаги ҳакам Равшан Эрматов томонидан совриндорларга дипломлар, голиб жамоага эса турнир кубогига топширилди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

УЙ БЕКАЛАРИ ХАМ ЧЕМПИОН БЎЛИШАДИ

Ўзбекистон спорт саройида Республика Аёллар спорт фестивали ва Гимнастрада фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. «Аёл соғлом бўлса авлод соғломдир» шиори остида ўтказилаётган мазкур фестиваллар спорт билан шуғулланишни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш, юртимизда спортнинг нафис ва нозик, аёлларга хос турларини ривожлантириш, шу орқали аёллар саломатлигини асраш, аёлда ўз соғлиғига бўлган масъулиятни кучайтириш каби мақсадларда ташкил этилмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон хотин-қизлар Кўмитаси раиси Фарида Акбарова мана шулар тўғрисида гапирар экан, иштирокчи аёлларнинг барчасига самимий тилақларини билдирди.

Аёлларга хос спорт турларининг оммалашиб бораётгани, турли халқаро мусобақаларда хотин-қизларнинг фаоллик кўрсатаётганини юртимизда спортнинг ривожига катта эътибор берилётганининг бир белгисидир. Мана шу мусобақада ҳам волейбол, енгил атлетиканинг 4 тури, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш,

гимнастика каби спорт турлари бўйича аёллар куч синашади. Республикаимизнинг турли худудларидан келган иштирокчилар орасида ҳар хил корхона ва ташкилотлар ходималари билан бир қаторда, уй бекалари, пенсионерларнинг ҳам борлиги қувонarli ҳолдир. Умумий ҳисобда 500 нафар спортчи аёлларнинг иштирок этиши фестивал нуфузининг йилдан йилга ошаётганини кўрсатиб турибди.

— Профессional даражадаги мураббийлардан дарс олмаганман. Шунга қарамадан ёшлигимдан сузишга қизиқардим, —

дейди Хазорасп туманидан келган Муҳайё Мустафоева. — Бугун ўтказилаётган Аёллар спорт фестивалида эса айнан сузиш спорт тури бўйича вилоят шарафини ҳимоя қилиш учун келдим. Бу каби мусобақаларнинг уюштирилиши биз каби уй бекаларининг қизиқишларига ҳамоҳанг тарзда ташкил этилаётганини таъкидлаш лозим.

Мусобақалар икки кун давомида «Универсал» спорт саройи ҳамда Ўзбекистон Миллий университети спорт залларида ўтказилди. Мусобақаларнинг жуда қизгин ва рақобатчилик руҳида ўтганини натижаларнинг жуда яхшилигида ҳам кўриш мумкин. Масалан, волейбол бўйича Қорақалпоғистонлик иштирокчиларга тенг келадигани топилмаган бўлса, стол тенниси бўйича бухоролик спортчи ғалабага эришди. Сузиш спорт туридан эса Андижон вакилиси 15 очко тўплаб биринчилиكنи йўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида эса Андижон вилояти биринчи, Сурхондарё вакил-

лари иккинчи ва Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилган спортчилар учинчи ўринга лойиқ топилди.

Гимнастрада мусобақалари ҳам мурасасиз кечиб, иккинчи ўриндаги рақибасидан 2 очко фарқ билан етакчилиكنи Самарқанд вилояти вакили қўлга киритди. Андижон вилоятига 2-, Тошкент вилоятига эса 3-ўрин насиб этди. Голиблар ҳамкорларнинг қимматбаҳо совғалари ва диплом билан тақдирланди. Тадбир ташкилотчилари иштирокчиларнинг ҳеч бирини эътиборсиз қолдирмади, уларнинг барчасига ҳамкорларнинг совғалари топширилди.

Шунингдек, тадбир доирасида ташкилотчилар томонидан иштирокчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий-маърифий дастурлар тайёрланган бўлиб, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири



ЕВРОПАДА «КАРВОН» УЙҒОНДИ

Европа яшил майдонларида «улкан футбол карвони» яна йўлга чиқди. Қитъа чемпионлар лигасининг 2010-2011 йилги голибларини аниқлаш мақсадида гуруҳларга ажратилган клублар дастлабки тур ўйинларини ўтказишди.

Қуйида гуруҳлардаги 1-тур натижалари билан танишасиз: «Твенте»—«Интер» 2:2, «Вердер»—«Тоттенхэм» 2:2, «Лион»—«Шальке-04» 1:0, «Бенфика»—«Хапоэль» 2:0, «Манчестер Юнайтед»—«Рейнджерс» 0:0, «Бурсаспор»—«Валенсия» 0:4, «Копенгаген»—«Рубин» 1:0, «Барселона»—«Панатинаикос» 5:1, «Бавария»—«Рома» 2:0, ЧФР—«Базель» 2:1, «Марсель»—«Спартак» 0:1, «Жилина»—«Челси» 1:4, «Реал»—«Аякс» 2:0, «Милан»—«Осер» 2:0, «Арсенал»—«Брага» 6:0, «Шахтёр»—«Партизан» 1:0.

Навбатдаги учрашувлар 28-29 сентябрда бўлиб ўтади.

ФИНАЛДА — БОКСЧИ АЁЛЛАР

Хитой терма жамоаси Брижтаунда ўтказилган (Барбадос) бокс бўйича аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг ярим финал баҳсида энг кўп вакилга эга мамлакат сифатида биринчи поғонада турибди, деб хабар берди турнирнинг расмий сайти.



Мазкур боксчилар умумжамоа учун камида бронза медалларни нақд қилиб бўлишди.

Россия, Украина, Венгрия ва АҚШ терма жамоаларидан ярим финал муштлашувида уч нафар боксчи рингга чиқса, Қозғистон, Ҳиндистон, Англия, Жанубий Корея ҳамда Польшадан икки нафардан спортчи ўз мамлакатлари шарафини ҳимоя қилади. Руминия, Филиппин, Финляндия, Тунис, Таиланд, Ирландия, Швеция, Туркия, Голландия, Канада ва Бразилиядан эса биттадан боксчи ярим финалга чиқишга муваффақ бўлди.

Бугун мазкур биринчилиكنинг финал баҳслари ўтказилади.

ЭНГ ЁРҚИН МАВСУМ

Испаниялик истеъдодли теннисчи Рафаэль Надаль йил якуни сарҳисобига кўра, ўз профессионал фаолияти давомида иккинчи маротаба дунёнинг биринчи рақамли ракеткачиси дея топилди, деб ёзди Профессional теннисчилар Ассоциацияси (ATF) расмий сайти.

Рафаэль теннисчини расмий тарзда табриклаш учун Лондонда йил якуни бўйича ўтказилган халқаро турнир сўнгида тантанали тақдирлаш маросими ташкил этилади.

Надаль яқинда ниҳояланган «US Open» турнирида ҳам зафар қўнғанидан хабарингиз бор. — Ушбу мавсум жуда ҳам ажойиб тарзда ўтди. Шубҳасиз, уни фаолиятим давомидаги энг ёрқин мавсум, дея айтишим мумкин. АҚШ Очқў чемпионатида, «Уимблдон» ва «Роллан Гаррос», шунингдек, «Мастерс» туркумига кирувчи Эта турнирда кетма-кетига ғалабага эришдим, — деди Надаль.

ВЕЛОСИПЕД — ЭКОЛОГИЯ ХИМОЯЧИСИ

Ҳозирги кунда велосипеддан фойдаланувчилар сони ўтган йиллардагига нисбатан сезиларли даражада ортиб бораётгани сир эмас. Бунга экологиянинг ўзига хос «химоячи» сига айланган велоспорт ҳам маълум маънода сабабчидир.



11 сонияда босиб ўтди.

Умумий ҳисобда эса ҳамон италиялик велосипедчи Винченцо Нибали етакчилик қилиб келмоқда. Иккинчи ва учинчи поғоналарда испаниялик Эзекиля Москеру ҳамда словакиялик Петер Велиц турибди.

Ш.ЖҰРАЕВА тайёрлади.



ҲАВАС-ЛА УЙҒОНГАН ИШТИЁҚ

Бугунги кунда фарзандларимизнинг барча шароитларга эга бўлган замонавий мактабларда таълим-тарбия олишлари билан бир қаторда мактабдан ташқари бўш вақтларини ҳам мазмунли ўтказишлари учун яқин кўмакчига айланган кўплаб техник ва ижодиёт марказлари борки, болажонлар мазкур муассасаларда санъат, хунармандчилик, каштачилик, техник ихтирочилик, рассомлик, ҳайкалтарошлик каби йўналишларда ўз истеъдодларини ривожлантирадилар.

Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт марказида ҳам бугунги кунда 70 нафардан ортиқ мутахассис-педагог 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчиларга халқ амалий ва тасвирий санъати, бадий нафосат, ахборот-маърифий йўналишлари бўйича таълим-тарбия бериб келмоқда. Болаларни тўгарак ва студияларга қамраб олишда, асосан, уларнинг қизиқишлари ва хоҳиш-истаклари ҳисобга олинади. Ўтган йиллар мобайнида марказга 600 нафар иқтидорли ўқувчи машғулотларга қатнаган бўлса, шу кунга қадар уларнинг 50 нафардан зиёдроғи шаҳар, Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган фестивалъ ва кўрик-танловларда фахрли ўринларни қўлга киритган.

Мактаб ўқувчиларини ушбу марказ билан яқиндан таништириш ва уларни жалб этиш мақсадида 15-16 сентябрь кунлари "Куч — билим ва тафаккурда" шиори остида очик эшиклар куни ўтказилди. Унда Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари, ўқитувчилар ва ота-оналар иштирок этди. Марказга ташриф буюриб, тўгарак ва клублар фаолияти билан яқиндан танишаётган ўқувчи-ёшлар билан суҳбатлашар эканмиз, улар ўзларида бу ердаги тенгдошлари томонидан яратилган санъат намуналарига ҳавас уйғонганлигини яшириб ўтирмадилар.

— Бу каби буюмларга жудаям қизиқардим. Ота-онам доим мунчоқлар сотиб олиб берардилар. Энди ўзим ҳам бу тўгаракка аъзо бўлдим, яқин орада мана шундай кўзни қувонтирадиган буюмларни ўзим ясади олишимни ўйлаб ҳозирдан қувониб кетаяпман, — дейди пойтахтимиздаги 63-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Феруза Ризаева.

Тадбир давомида ўқувчи-ёшларнинг ҳар бири ўзларига мос тўгаракларни танлаб, уларга аъзо бўлдилар.

Феруза ХОЛМУРОДОВА Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-822. Tiraj 27881.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: G'olib BAHROMOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.

belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 23.40. Yza kyun — 23.15